

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Қарши муҳандислик - иқтисодиёт институти
Магистратура бўлими

Қўлёзма ҳуқукида

УДК 378 М-13

Ҳайдаров Зафар Қахрамонович

**«Хорижий инвестицияларни иқтисодиётга жалб этишни самарали
бошқаришнинг назарий ва амалий асосларини ишлаб чиқиш»
(Қашқадарё вилояти мисолида)**

Мутахассислик: 5А340201 – Менежмент (ишлаб чиқариш)

Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация

Иш қўриб чиқилди ва ҳимояга қўйилди
«Менежмент» кафедраси мудири:
_____ ифд. Х.С.Мухитдинов
«___» _____ 2011 йил

Илмий раҳбар
_____ доц.А.И.Рахматуллаев
«___» _____ 2011 йил

Ҳимояга рухсат этилди
Магистратура бўлими бошлиғи:
_____ доц.Б.М.Холбаев «___»
_____ 2011 йил

Қарши-2012

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Бозор иқтисодиётини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон ҳукумати инвестиция жалб этишни ривожлантиришга доимий эътибор бериб келмоқда. Чунки инвестиция жалб этишни амалга ошириш иқтисодиётда ўсишни, ишлаб чиқаришнинг ривожланишини таъминловчи муҳим омилдир. Иқтисодиётимизга ички инвестицияларни сафарбар қилиш ва хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш билангина туб ўзгаришларга эришиш мумкин. Инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш республикамизда иқтисодий ва сиёсий омилларни ривожлантиришга таъсири яққол сезилади. Инвестицияларнинг устувор йўналишларини аниқ белгилаш илмий асосланган, инвестиция қарорларини қабул қилиш, инвестиция фаолиятини оқилona тартибга солиш асосида ички ва ташқи молиявий манбаларни барча шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда жалб қилиш миллий иқтисодиётнинг келажагини белгилайди. Инвестициялар учун зарур молиявий ресурсларни топиш иқтисодий ўсиш шартига айланган. Бу эса биринчи навбатда истеъмол ва жамғарма нисбатига боғлиқ. Инвестициялашнинг бозор механизмларини жорий қилиш молия бозори орқали инвестиция ресурсларини шакллантиришни кенгайтириш ноанъанавий молиялаштириш усулларида фойдаланиш амалиётни чуқур атрофлича тадқиқ этиш ва уларни умумлаштириш заруратини кун тартибига кўяди.

2012 йил 19 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011йилда ижтимоий иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2012 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек, “2011 йилда молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан қиймати 10 миллиард 800 миллион доллардан ортиқ капитал қўйилмалар ўзлаштирилди, бу 2010 йилга нисбатан 11,2 фоиз кўп демакдир”¹.

¹ 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Ўзбекистон

Статистик таҳлилларни миллий валютимиз мисолида давом эттирадиган бўлсак, расмий маълумотларга кўра, 2011 йилнинг январь-декабрь ойларида 18291,3 миллиард сўмлик капитал қўйилмалар ўзлаштирилган. Инвестицияларнинг умумий ҳажмида марказлашган инвестициялар 17,5 фоизни (3198, 7 миллиард сўм), инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши эса 23,9 фоизни ташкил этгани ҳам мамлакатимизда инвестиция жараёнларининг жадал фаоллашиб бораётганини кўрсатади.

Ҳозирги глобаллашув шароитида, бозор муносабатлари талабларидан келиб чиқиб, жаҳонда инвестициялар учун қатъий кескин кураш давом этмоқда. Ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш, мамлакатимиз иқтисодиётига бевосита хорижий инвестицияларнинг жалб қилинишини таъминлайдиган ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни такомиллаштириш, хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, маблағларни энг устувор йўналишларда ҳамда рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ йўналишларда мужассам қилиш Республикада ўтказилаётган инвестиция сиёсатининг асосий тамойилларидир².

Бельгиялик олим Хилберн Бойснинг фикрига кўра “Катта иқтисодий, минерал-хомашё ва инсон салоҳиятига эга бўлган Ўзбекистон хорижий сармоядорларни, аввало, мамлакатдаги барқарор сиёсий вазият билан ўзига жалб этади. Ушбу мамлакатда татбиқ этилаётган барча янгиланишлар республикани янада ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва гуллаб-яшнашига кафолат бўлади”³.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жамғариш, иқтисодий ўсиш ва инвестиция муаммолари, инвестиция жараёнлари самарадорлигини ошириш ва уларни бошқариш механизмини шакллантириш муаммолари Ж.Кейнс, Ж.Р.Хикс, Р.Айснера, Ф.Бромили, А.Маршал, М.Миллер,

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналошларга бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь, №14 (5434).

² Маҳмудов Н.М, Маджидов Ш.А. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2010. – 86-б.

³ Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. /№ 3/2011 й., 19 б.

Ф.Модилиани, А.Пигу, П.Самуэльсон, Б.Фридманнинг асарлари иқтисодиёт фанидаги ушбу йўналишнинг назарий-услубий асосини яратди. Шунингдек Л.Абалкин, С.Аукуционек, Л.Григорьев, Я.Кваши, В.Красовский, Г.Найденов, Д.Палтерович, А.Полетаев, Ю.Плушевский, В.Фальцман, Т. Хачатуров, А.Цугачко, Р.Энтов каби хорижлик иқтисодчи олимларнинг илмий асарлари ва ишларида ўрганилган. Ўзбекистонда хорижий инвестицияларни жалб этиш ва улардан самарали фойдаланишнинг асосий тамойиллари ваўзига хос хусусиятлари А.Х.Хикматов, М.Шарифходжаев, И.И.Искандаров, Р.М.Мухитдинов, Э.Х.Махмудов, А.Вохобов, А.А.Абдуғаниев, А.Қодиров, Ў.С.Надирхонова, С.С.Гулямов, А.Турдиев, Д.Азобеков, Н.М.Юсупова, Ш.Т.Юлдашева ва бошқа олимларнинг илмий ишларида чуқур ёритилган.

Шу билан бирга, ушбу кўп қиррали муаммонинг кўп масалалари ҳозирча фақат муҳокамага қўйилган ва ҳал қилинишини кутмоқда. Ўзбекистон иқтисодиётининг бозор трансформациясининг ўзига хосликлари шу масалаларнинг долзарблигини кучайтирмоқда. Инвестиция киритиш жалб этишнинг тамойиллари, устиворликлари, афзалликлари ва асосий йўналишларидаги муаммолар ўз ечимини кутмоқда. Инвестиция сиёсатининг минтақавий жиҳати, ҳудуддаги инвестицион жараёнларни бошқариш услублари ва механизмларини дифференциация қилишга ғоявий ёндашувлар ишлаб чиқилмаган. Инвестиция фаолиятини жонлаштиришнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш масалалари тўла қонли ечимини кутмоқда.

Баён этилмаганлар магистрлик диссертация ишининг мавзуи танловини, мақсад вазифаларини белгилаб беради.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Илмий иш магистрлик илмий ишлар дастури доирасида Қарши Муҳандислик иқтисодиёт институтида олиб борилган илмий тадқиқотлар режаси бўйича бажарилган.

Магистрлик диссертациясининг мақсади. Магистрлик диссертация

ишининг мақсади иқтисодий ўсишни таъминлашда давлатнинг инвестицион жараёндаги бошқарувчилик ролини аниқлашни ўрганиш негизида Қашқадарё вилоятига хорижий инвестицияларни жалб этиш ва уларани самарали бошқаришнинг назарий ва амалий асосларини ишлаб чиқишдан иборат.

Ушбу мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифаларни бажариш лозим:

Ø иқтисодиётни модернизациялаш шароитида хорижий инвестициялар уларнинг иқтисодий моҳиятини очиб бериш;

Ø инвестиция тушунчаси, инвестиция муҳит ва унга таъсир этувчи омилларни амалий ва услубий жиҳатдан асослаб бериш;

Ø вилоятнинг ишлаб чиқариш ва иқтисодий имкониятлари ва истиқболларини асослаш;

Ø вилоятга жалб қилинадиган инвестицияларнинг салмоғи ва самарадорлигини таҳлилий хулосаларга асосланган ҳолда иқтисодий баҳолаш;

Ø вилоят иқтисодиётининг барқарор ривожланишини таъминлашда хорижий инвестициялардан фойдаланиш йўллари ишлаб чиқиш;

Ø Қашқадарё вилоятида инвестицияларни шакллантириш .

Ø Вилоятга тўғридан- тўғри жалб қилинадиган хорижий инвестицияларни рағбатлантириш йўллари ишлаб чиқиш.

Магистрлик диссертациясининг объекти –Инвестицияларни жалб этиш бўйича бевосита маъсул бўлган вилоят Иқтисодиёт Бош Бошқармаси ҳамда вилоятимизда ўз фаолиятини хорижий ҳамкорлар билан олиб бораётган хўжалик субъектлар тадқиқот ишининг объектидир.

Магистрлик диссертациясининг предмети – Ўзбекистон инвестиция сиёсатини олиб боришдаги асосий йўллари ишлаб чиқишдан иборат.

Магистрлик диссертациясининг назарий ва услубий асослари - Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари, ва бозор иқтисодиёти шароитида инвестицияларни жалб этишни такоминлаштиришга

оид назарияларни ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунлари, мазкур муаммони тадқиқ этишда асосий услубий база бўлиб хизмат қилади. Мазкур тадқиқотда ушбу муаммоларни ечиш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, меъёрий ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Статистика давлат қўмитаси вилоят Иқтисодиёт Бош Бошқармаси маълумотларидан фойдаланилди.

Магистрлик диссертациясининг илмий янгилик элементлари куйидагилардан иборат:

- Ø хорижий инвестицияларни мамлакат иқтисодиётига жалб қилишнинг ижобий ва салбий томонларини назарий жиҳатдан асослаганлиги;
- Ø инвестицион муҳит ва унинг шаффофлигини таъминлаш бўйича илмий ва амалий таклифлар ишлаб чиқилганлиги;
- Ø вилоятга жалб қилинадиган хорижий инвестицияларни йўналишлари ва услубий асосларини ишлаб чиқилганлиги;
- Ø инвестицияларни молиялаштиришнинг асосий тамойиллари ва йўналишларини ишлаб чиқилганлиги;
- Ø тўғридан- тўғри жалб қилинадиган хорижий инвестицияларни рағбатлантириш йўллари ишлаб чиқиш.

Магистрлик диссертациясининг амалий аҳамияти шундан иборатки, унинг асосий натижаларидан Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарув органлари, инвестиция жалб этишни амалга оширишда ички ва хорижий инвесторларини жалб қилиш ва рағбатлантириш механизмини ишлаб чиқишда ва бундан ташқари олий таълим муассаларида , “Хорижий инвестициялар” фанини ўқитишда фан дастурлари доирасида фойдаланиш мумкин.

Ишнинг синовдан ўтиши. Тадқиқот натижалари бўйича Қарши Муҳандислик институтида 2011 йил 30 майда бўлиб ўтган ” Хорижий инвестицияларни иқтисодиётга жалб этишни самарали бошқаришнинг назарий ва амалий асосларини ишлаб чиқиш” мавзусидаги ва 2012 йил 11-12 майда “Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида ишлаб чиқариш

соҳаларини инновацион ривожлантириш муаммолари”мавзусидаги республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилиниб, ижобий баҳоланган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Илмий иш кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан, жами 100 бетдан иборат бўлиб, диссертацияда 11 та жадвал, 10 та диаграмма, 1 та графикдан иборат.

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, унинг мақсади ва вазифалари, илмий янгилиги ҳамда олинган натижаларнинг амалий аҳамияти ўз ифодасини топган.

Биринчи бобда, иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этишнинг назарий аспекти атрофлича кенг ёритилиб берилган.

Иккинчи бобда, тадқиқот объекти қилиб олинган, Қашқадарё вилояти иқтисодиётига хорижий инвестицияларини жалб қилиш амалиёти ва истиқболи атрофлича таҳлил қилинган.

Диссертация ишининг учинчи бобида . Вилоят иқтисодиётига хорижий инвестицияларини жалб қилиш йўналиши ва истиқболлари ишлаб чиқилган.

Илмий ишнинг хулоса қисмида тадқиқотнинг асосий натижалари умумлаштирилиб, илмий-амалий жиҳатдан асосланган хулоса ва тавсиялар берилган.

I- боб. Иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этишнинг назарий аспекти

1.1. Инвестиция тушунчаси, инвестиция муҳити ва унга таъсир этувчи омиллар

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришган дастлабки йиллардан бошлаб миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг ўзига хос йўналишини белгилаб олди. Барчамизга маълумки, ўтган 2011 йилда фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда замонавий, юксак технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришни ташкил этишни тезлаштириш борасида Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўлини ўзида мужассам этган Ўзбек моделининг энг муҳим тамойилларидан бири бўлган давлатнинг бош ислохотчи экани ҳақидаги принципдан келиб чиқиб, давлат томонидан оқилона, фаол инвестиция сиёсати олиб борилди. Буни ўзлаштирилган капитал қўйилмалар миқдоридан ҳам билиб олиш мумкин. Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, 2011 йилда молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан қиймати 10 миллиард 800 миллион доллардан ортиқ капитал қўйилмалар ўзлаштирилди, бу 2010 йилга нисбатан 11,2 фоиз кўп демакдир⁴

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси уларнинг иқтисодий юксалишида фаол инвестиция сиёсати марказий ўринни эгаллашини тасдиқлайди. Шу боис Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш мақсадлари унинг инвестиция сиёсатида тўлиқ акс эттирилишини тақозо этади. Ўзбекистонда хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва тартибга солишда Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги “Хорижий инвестициялари тўғрисида”, “Хорижлик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида” Қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари унинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилади. Мулкчиликнинг турли шакллари таркиб топиши инвестицияларнинг

⁴ 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўнашларга бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь, №14 (5434).

ривожланишига катта туртки бўлди. Мулкчиликнинг турли шаклларининг вужудга келиши муносабати билан капиталнинг соҳалардаги ўзгарувчанлиги, унинг оқими, ҳудудларга тақсимланиши тезлашади. Ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган яна бир устувор йўналиш хорижий инвестицияларини кенг жалб қилиш, хорижий инвесторлар учун яна қулай шароитлар яратишга улкан эътибор қаратаётганимизни алоҳида қайд этмоқчиман.

Хориждаги бошқа машҳур фирмалар билан ҳам алоқаларни йўлга қўйиш, биринчи навбатда, замонавий милорация техникасини ишлаб чиқариш ва таъминлашни ташкил қилиш масалаларида ҳамкорлик қилиш бўйича бугунги кунда олдимизда катта истикболлар очилмоқда. Ўзбекистонда инвесторлар учун, айтиш мумкинки, кўп жихатдан беқиёс, ўта қулай инвестицион муҳит, имтиёз ва переференциялар тизими яратилган, деб айтишга барча асосларимиз бор. Иқтисодиётимизга жалб қилинаётган хорижий инвестициялар ҳажми йилдан йилга ортиб бораётгани бунинг ёрқин далилидир. Ҳалқаро молия институтлари ва хорижий компаниялар билан тузилган шартнома ва битимлар асосида 2011 йилда иқтисодиётимизнинг реал секторига 3 миллиард доллардан ортиқ инвестиция киритиш кўзда тутилмоқда. Шунини таъкидлаш керакки, бу маблағнинг 2 миллиард 20 миллион доллари ортиғи ёки 73 фоиздан зиёдини тўғридан - тўғри хорижий инвестициялари ташкил этади.

Тўғридан – тўғри инвестициялари ҳисобидан иқтисодиётимизнинг кўплаб тармоқларида 70 тадан ортиқ инвестиция лойиҳасини амалга ошириш мўлжалланмоқда.⁵

Ўзбекистон Республикасида инвеститсия тўғрисидаги қонуний ҳужжатлар 1991 йилдан бошлаб қабул қилинди ва ўтган вақт ичида улар анча такомиллаштирилди. Инвестиция тўғрисида Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган қонунда кўрсатилишича, инвестиция бу иқтисодий самара

⁵ 2012 йил Ватанамиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналошларга бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь, №14 (5434).

(фойда, даромад) олиш ёки ижобий ижтимоий натижага эришиш учун сарфланадиган пул маблағлари, банкларга қўйилган омонатлар, пайлар, қимматли қоғозлар (акция, облигациялар), технологиялар, машиналар асбоб-ускуналар, лицензиялар ва самара берадиган бошқа ҳар қандай бойликлардир. Бу иқтисодий таъриф инвестициянинг бозор иқтисодиёти шароитида тўлалигича фаолият кўрсатишини аниқ тасдиқлайди. Жумладан, унда, биринчидан, инвестициянинг ўзига ва инвестиция фаолиятининг объектларига кенг таъриф берилган; иккинчидан, инвестициянинг бевосита иқтисодий ва ижтимоий самара олишга муқаррар боғлиқлиги таъкидлаб ўтилган. Демак, инвестицияга бозор муносабатларидан келиб чиқиб берилган таърифнинг ўзидаёқ инвестицион жараённинг ҳажми, асосий босқичлари, яъни жамғармалар (ресурслар), қўйилма маблағлар (сарф-харажатлар), самара (даромад, фойда) аниқ, ва равшан кўрсатиб ўтилган. Худди шу каби ёндашув инвестицион фаолиятнинг бозор муносабатларига ўтиши учун замин яратади, бу эса, молиявий моддий ва ақлий бойликларни қайта тақсимлашнинг вертикал ва горизонтал усулларида бир хилда фойдаланишни таъминлаб беради.

Иқтисодий категория сифатида инвестиция қуйидагича таснифланади:

Бирламчи (авайланган) жамғарилган капитални кўпайтириш мақсадида капитални тадбиркорлик объектларига жойлаштириш;

Инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида инвестиция фаолияти иштирокчилари ўртасида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлардир.

Хорижий мамлакатларнинг тажрибаси ва инвестиция тўғрисида ўзимизда қабул қилинган қонунларнинг таҳлилидан келиб чиқиб, инвестициянинг шартли равишда учта турини ажратиш мумкин:

- ▼ молиявий инвестициялар;
- ▼ моддий инвестициялар;
- ▼ ақлий (интеллектуал) инвестициялар

Иқтисодиётни модернизация шароитида ҳар бир инвестиция турининг

ўзига хос ўрни бўлади.

Молиявий инвестициялар таркибига маҳаллий ва хорижий мамлакатларнинг пул бирликлари, банклардаги омонатлар, депозит сертификатлар, акциялар, облигациялар, векселлар ва бошқа қимматли қоғозлар ҳамда тенглаштирилган бойликлар киради.

Моддий инвестициялар таркибига асосий фондлар, яъни бинолар, асбоб-ускуналар, иншоотлар, коммуникациялар ва бошқа турдаги асосий ишлаб чиқариш фондларининг актив ва пассив қисмлари киради.

Ақлий (интеллектуал) инвестициялар микдори жуда ранг-барангдир, яъни улар мулкӣ ҳуқуқлар шаклидаги инвестициялар ақлий меҳнатга оид шаклдаги инвестициялар ва табиӣ ресурслардан фойдаланиш шаклидаги инвестициялардан иборат.

Мулкӣ ҳуқуқлар гуруҳига кирадиган инвестицияларнинг хиллари бозор муносабатларининг нечоғлик ривожланганлигига, миллий бозорларнинг ўзига хос томонларига қараб ҳар хил бўлади. Ақлий меҳнатга оид ҳақ-ҳуқуқлар шаклидаги инвестициялар таркибига муаллифлик ҳуқуқлари, “ноу-хау”, кашфиётлар, товар белгиларига бериладиган лицензиялар ва бошқа хил эғалик ҳуқуқлари киради.

Инвестициялар – бу ҳали буюмлашмаган, лекин ишлаб чиқариш воситаларига қўйилган капитал. Ўзининг молиявий шаклига кўра, улар фойда олиш мақсадида хўжалик фаолиятига қўйилган активлар ҳисобланса, иқтисодий хусусиятига кўра, у янги корхоналар қуришга, узоқ муддатли хизмат кўрсатувчи машина ва асбоб ускуналарга ҳамда шу билан боғлиқ бўлган айланма капиталнинг ўзгаришига кетган ҳаражатлардир.

Инвестициялар хусусий сектор ва давлат томонидан мамлакат ичкарисид ва унинг ташқарисид турли ишлаб чиқаришларга ва қимматбаҳо қоғозларга (акциялар, облигациялар) қўйилиши мумкин.

Ислоҳотлар дастлабки босқичида иқтисодиётнинг стагнация ҳолати деярли барча ҳамдўстлик мамлакатларида кузатилди. Корхоналарнинг ички инвестициялаш имкониятларини пасайиши билан бир вақтда марказлашган

капитал қўйилмаларнинг қисқариши, ишлаб чиқаришни тушиб кетишига, миллий маҳсулот ҳажмини мутлақ камайишига олиб келди.

Инвестиция киритишда, аввало:

- инвестиция фаолияти субъектларнинг мустақиллиги ва ташаббускорлиги;

- киритилаётган моддий неъматларга инвестиция мақомини бериш (фуқаро ўзининг эҳтиёжларини қондириш учун олган буюмлари инвестиция бўла олмайди);

- қонун билан белгиланган инвестиция фаолиятини амалга ошириш имконияти яратилиши зарур бўлиб ҳисобланади.

Инвестициялар – бу янги корхоналар қурилишига, машина ва асбоб-ускуналар сотиб олишга, яъни янги капитални барпо этишга кетган ҳаражатлардир. Инвестицияга кетган ҳаражатнинг миқдори икки омилга боғлиқ: биринчиси – соф фойданинг қутилаётган меъёри, қайсики уни тадбиркорлар инвестицияга кетган ҳаражатларидан олишни мўлжаллайди; иккинчиси – фоиз ставкаси ёки тадбиркор реал капитални сотиб олишга зарур бўлган пулга эга бўлиши учун тўлаши лозим бўлган баҳо. Агарда, қутилаётган фойда меъёри фоиз ставкасидан юқори бўлса, инвестициялаш фойдали ва аксинча, фоиз ставкаси қутилаётган фойда меъёридан юқори бўлса, инвестициялаш фойдали бўлмай қолади.


Инвестиция ҳаражатлари фойда келтиришини аниқлашда номинал фоиз ставкаси эмас, балки реал фоиз ставкаси ҳисобга олинади. Реал фоиз ставка нархлар даражасини ўзгаришини акс эттириб, номинал ставкадан инфляция даражасини айирмаси кўринишида аниқланади. Масалан, номинал фоиз ставкаси 16%га тенг бўлса, инфляция даражаси йилига 12% ташкил этса, унда реал фоиз ставкаси 4% (16%-12%) ташкил этади. Агарда, бу миқдор қутилаётган соф фойда меъёридан паст бўлса, инвестиция ҳаражатлари ўсиб боради.

Инвестиция талабининг эгри чизиғи исталган инвестиция ҳажми (И) ва реал фоиз ставкаси миқдори (р) ўртасидаги боғлиқликни ўрнатади. Реал фоиз

ставкаси, яъни пул капиталини қарзга олиш баҳоси қанчалик юқори бўлса, инвеститсиялашни ҳохловчилар шунча кам бўлади ва аксинча реал фоиз ставкаси қанчалик паст бўлса, фойда келтирадиган инвестиция лойиҳалари шунча кўп бўлади. Шунинг учун ҳам инвестиция функцияси графиги қуйига қараб оғма бўлади.

Макроиқтисодий сиёсатда фоиз ставкаси билан инвестиция ҳажми ўртасидаги мавжуд боғлиқлик ҳисобга олинади ва кенг фойдаланилади. Фоиз ставкасининг миқдори пул-кредит сиёсатининг муҳим қуроли ҳисобланади. Давлат уни ўзгартириш орқали мамлакатдаги пул таклифини тартибга солиб туради. Фоиз ставкасини кўтарилиши пулнинг қимматлашуви ва унга бўлган талабнинг қисқараётганини билдиради. Демак, инвестиция харажатлари ҳам қисқариб боради. Ўз навбатида, инвестиция харажатларини қисқариши, келажакда миллий ишлаб чиқариш ҳажмини пасайишини билдиради.

Инвестиция функциясини графиги.



Республикада инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш биринчи навбатда давлатнинг иқтисодий, илмий-техникавий ва ижтимоий сиёсатини амалга ошириш мақсадларини кўзлайди. Республика қонун

хужжатларига мувофиқ хорижий инвестициялари миллийлаштирилиши, давлат тасарруфига олиниши мумкин эмас. Хорижий инвестициялари табиий офатлар, фалокатлар, эпидемиялар ҳолларини мустасно қилганда, риквизиция қилинмайди. Хорижий инвесторларга қонуний фаолият натижасида олинган ўз фойдаси ва бошқа маблағларини хорижий валютасида четга ўтказиш кафолатланади. Қонун ҳужжатларида хорижлик инвесторларга уларнинг давлат бошқарувининг ваколатли органлари билан тузадиган концессия шартномалари асосида табиий ресурсларни кидириш, фойдаланишга тайёрлаш ва фойдаланиш ҳамда бошқа хўжалик фаолиятини жорий қилиш учун концессиялар бериш назарда тутилган. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва хорижий инвестицияларини жалб қилишнинг кенгайтириши даражасига қараб инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш, бевосита хорижий инвестицияларини янги лойиҳаларга ҳамда қўшма корхоналарга жалб этишга қаратилиши лозим. Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестицияларини тартибга солиш ва жалб этиш билан шуғулланадиган расмий муассасалар қуйидаги жадвалда келтирилган.

1.1.1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестицияларини тартибга солиш ва жалб этиш билан шуғулланадиган расмий муассасалар

Вазирлар Маҳкамасининг ташқи иқтисодий фаолиятни мувофиқлаштириш департаменти	Қуйидаги жорий жараёнларни мувофиқлаштиради: -инвестиция фаолиятини, биринчи навбатда хорижий инвестициялари билан амалга ошириладиган лойиҳаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича зарур ҳукумат қарорларини ишлаб чиқиш; -давлат бошқаруви идоралари, вазирликлар ва идоралар ишини ташкил этиш.
«ЎЗР Иқтисодиёт	Инвестиция сиёсатини ва дастурларини ишлаб чиқиш

	вазирлиги»	
	Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги	Корхоналарни ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари тарзида рўйхатга олиш ва хорижий компаниялар ваколатхоналарини аккредитациялаш
	Давлат мулки Қўмитаси	Давлатга тегишли мулкни хусусийлаштириш ва тасарруф этиш жараёнларида хорижий инвестицияларини тартибга солиш.
	Молия Вазирлиги	Қарз сиёсати ва ҳукумат кафолатларини бериш.
	Адлия Вазирлиги	Хорижий инвестициялари иштирокидаги корхоналарни рўйхатга олиш.
	Ташқи ишлар вазирлиги	Хорижий инвесторларга ва Ўзбекистонда ишлаётган ажнабий фуқароларга визалар бериш.
	Ички ишлар вазирлиги	Хорижий инвесторларни ва Ўзбекистонда ишлаётган ажнабий фуқароларни турар жойи бўйича рўйхатга олиш.
	Давлат солиқ қўмитаси	Хорижий инвеститсиялари иштирокидаги корхоналарни солиққа тортиш ва уларнинг божхона билан боғлиқ фаолиятини тартибга солиш.
	Марказий банк	Конвертация тартиб-қоидаларини, шунингдек, унинг ўтказилишини, валюта маблағларидан фойдаланишни тартибга солиш, қарз сиёсати.
	Ташқи иқтисодий фаолият миллий банк	Ташқи иқтисодий фаолиятга банк хизмати кўрсатиш ва лойиҳани молиялашни амалга ошириш.
	Хорижий	-Мамлакат ва хориж инвесторларининг

	инвестициялар бўйича агентлик	инвестиция таклифлари тўғрисида маълумотлар банкни шакллантириш; -инвестиция мухитини ўрганиш; -хорижий инвесторларга ахборот ва бошқа хизматлар кўрсатиш; -инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда мамлакат ва хориж инвесторларига ёрдам кўрсатиш; -хорижий капитали иштирокида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг бажарилишини кузатиш (мониторинг); -хорижий инвесторларга давлат рўйхатидан ўтилганидан кейин юридик шахс сифатида фаолият кўрсатишида ёрдам бериш (товар ишлаб чиқарувчилар палатаси билан ҳамкорликда).
	«Ўзбекинвест» давлат суғурта компанияси ва «Ўзбекинвест- интенейшнл» қўшма корхонаси	Хорижий инвестицияларини инвестиция таваккалчилигидан суғурталаш
	«Ўзбекинвест- лойиҳа» миллий инжиниринг компанияси	Дастлабки техник-иқтисодий асосламани ва инвеститсия лойиҳалари техник-иқтисодий асосламаларини тайёрлаш
	Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги қимматли қоғозлар бозори фаолиятини	Қимматли қоғозлар бозорини шакллантириш, ривожлантириш, назорат қилиш ва тартибга солиш соҳаларида давлат сиёсатини амалга ошириш. Мамлакат ва хорижий эмитентларнинг қимматли қоғозларини сотиб олиш орқали

мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази	мажмуа инвестицияларини амалга ошириш.
--	--

Бир давлатдан бошқа давлатга даромад олиш учун йўналтирилган ҳар қандай шаклдаги мулкни тўла қонли хорижий инвестиция дейишимиз мумкин. Аммо шундай мулк шакллари борки, биз уларни хорижий инвестиция дея олмаймиз. Масалан, элчихона чет давлат мулки ҳисобланади, ёки хорижий фуқаро шахсий уй сотиб олса бу хорижий шахс мулки ҳисобланади, лекин хорижий инвестиция бўла олмайди.

Хорижий инвестициялар - бу хорижий инвесторлари томонидан юқори даражада даромад олиш, самарага эришиш мақсадида мутлоқ бошқа давлат иқтисодиётининг, тадбиркорлик ва бошқа фаолиятларига сафарбар этадиган барча мулкӣ, молиявий, интеллектуал бойликларидир. Хорижий инвестицияларни ички инвестициялардан фарқли ҳолда ташқи молиялаштириш манбаига киради. Хорижий инвестицияларнинг ички инвестициялардан фарқи шундаки, уларда инвестор бошқа мамлакат фуқароси бўлади. Иқтисодий мазмунига кўра хорижий инвестициялар ссуда капитали (яъни қарз ва кредит), ҳамда бевосита ва портфель инвестицияларга бўлинади. Инвестициялар нимага йўналтирилганлиги улар қайси хорижий инвестиция турига киришини белгилайди.

Хорижий инвестициялар қўшма корхоналарда ўз ҳиссаси билан қатнашиб, хорижий инвесторларга тўлиқ тегишли бўлган корхоналарни яратиш, хусусийлаштиришда қатнашиш, хорижий шериклар билан банк тузиш, қимматбаҳо қоғозларни сотиб олиши, ер ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлиши, эркин иқтисодий ҳудудларда фаолият олиб боришлари мумкин.

Хорижий инвестицияларга асосан 2 гуруҳ омиллар таъсир кўрсатади:

1) иқтисодий омиллар:

-ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва иқтисодий ўсиш суръатларининг

бир маромда ушлаб турилиши;

-жаҳон ва алоҳида мамлакатлар иқтисодиётида чуқур таркибий силжишларнинг амалга оширилиши (айниқса, фан-техника тараққиёти ютуқлари ва жаҳон хизматлар бозори тараққиёти таъсири остида олиб борилиши);

-ишлаб чиқаришни халқаро ихтисослашуви ва кооперациялашувининг чуқурлашуви;

-жаҳон иқтисодиётини трансмиллийлаштирилишини ўсиб бориши (АҚШ Трансмиллий корпоратция (ТМК)лари хорижий филиалларининг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми АҚШ товар экспортидан 4 маротаба ортиқдир);

-ишлаб чиқаришнинг байналминаллашуви ва интеграция жараёнларининг чуқурлашиб бориши;

-ҳалқаро иқтисодий муносабатлар (ХИМ)нинг фаол ривожланиши ва бошқалар.

2) сиёсий омиллар:

-капитал экспорти (импорти)ни эркинлаштириш (Эркин иқтисодий ҳудудлар (ЭИХ), оффшор ҳудудлари ва бошқ.);

-ривожланаётган мамлакатларда индустриллаштириш сиёсатини олиб бориш;

-иқтисодий ислохотларни олиб бориш (давлат корхоналарини хусусийлаштириш, хусусий секторни ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш);

-бандлик даражасини ушлаб туриш сиёсатини олиб бориш ва бошқалар.

Бозор иқтисодиётининг асосий иқтисодий тушунчаларидан бири инвестициялар тушунчаси бугунги ҳаётимизга кенг ва тез кириб келишининг ўзи унинг моҳияти ва аҳамиятини, зарурлигини кўрсатади.⁶

Мамлакатимизда 2010 йилда 2009 йилга нисбатан 13,6 фоизга кўп, яъни 9 миллиард 700 миллион АҚШ долларига тенг миқдордаги инвестициялар

⁶ Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. – Т.: “Молия” нашриёти, 2009 йил. 32-бет.

ўзлаштирилди, бу ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 25 фоизини ташкил этади.

Ушбу инвестициянинг сал кам 72 фоизини ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этишга жумладан, 38 фоизига яқини асбоб-ускуна ва илғор технологиялар сотиб олишга йўналтирилди. Бу борада сўз кетганда Президентимиз И.А.Каримовнинг қуйидаги фикрларини таъкидлашимиз лозим: “Бугун жойларда иқтисодиётни юксалтириш, замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган янги корхоналарни барпо этиш ва реконструкция қилиш учун хорижий сармояларни жалб қилиш, нечоғлик катта ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини кимгадир исбот қилиб беришга ҳожат йўқ. Шу боисдан ҳам ватанимизга хорижий сармояларни жалб этаётган корхоналарни иқтисодий рағбатлантириш ва зарурий шароитларни яратиб бериш ўта муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Ушбу турдаги корхоналарни рағбатлантириш асосан солиқ имтиёзлари орқали амалга оширилади. Чунки ҳар бир инвестор ўз сармоясини бирор ҳудудга киритар экан уни бефарқ қолдирмайдиган ва эътиборини тортадиган асосий масала у ерда амал қилаётган солиқ қонунчилиги ҳамда солиқлардан берилаётган имтиёзлар масаласидир. Шу сабабдан солиқ имтиёзларини тўғри йўналишларда тақдим этиш, улардан самарали ва оқилона фойдаланишни йўлга қўйиш лозим, акс ҳолда эса имтиёзларни беришдан кўзланган мақсадларга эришилмасликка олиб келади. Шунга кўра, иқтисодиётни фаол ривожлантириш кенг миқёсдаги инвестицияларни талаб қилади.

Демак, инвестициялар ҳар қандай иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи ва унинг тараққиётини таъминловчи куч экан, барча имкониятларимизни ишга солиб иқтисодиётимизга йўналтириладиган инвестициялар ҳажмини оширишимиз лозим.

2011 йил инвестиция дастурига мувофиқ 200дан ортиқ йирик инвестиция лойиҳаси амалга оширилди. (1.1.2.-жадвал) Хорижий инвестициялар иштирокида эса 700дан зиёд янги корхоналар вужудга келди. 2011 йилда иқтисодиётимизнинг реал секторига 3 миллиард доллардан ортиқ инвестиция киритиш кўзда тутилмоқда. Шунини таъкидлаш керакки, бу

маблағнинг 2 миллиард 200 миллион доллардан ортиғи ёки 73 фоиздан зиёдини тўғридан- тўғри хорижий инвестициялари ташкил этади. республикамиз асосий ишлаб чиқаришга эришиш вазифаси белгилаб берилди. 2007 йилда хорижий инвестицияларнинг аксарият қисми ёқилғи-энергетика, кимё ва нефткимё саноатига (жами инвестицияларнинг 44,7%и), информацион технологиялар ва телекоммуникациялар соҳасига (16,9%), қишлоқ ва сув хўжалигига (13,4%), коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш саноатига (12,4%) йўналтирилган. Шу билан бир каторда, республикада инвестициялар билан боғлиқ муаммолар мавжуд уларни ҳал қилиш Ўзбекистонни янада ривожланишида муҳим аҳамиятга эга.⁷ Қуйида келтирилган 1.1.1., 1.1.2.-жадваллар ва 2-диаграмма маълумотларидан кўриниб турибдики, Республикамизда фаол инвестиция сиёсати олиб борилмоқда, айниқса республикамиз иқтисодиётига жалб қилинадиган инвестициялардан хорижий инвестициялар салмоғи кейинги йилларда ошиб борган. Аммо жалб қилинган инвестициялар таркибида корхона маблағлари ва аҳоли маблағлари салмоқли ўринга эга. Жалб қилинадиган инвестициялар таркибида хорижий инвестициялар $\frac{1}{4}$ қисми ташкил этмоқда келажакда улар салмоғини камида 33% га етказиш зарур бўлиши учун эса республикамизда қулай инвестиция муҳитини яратиш ва юқори самара берадиган инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш лозим бўлади

Инвестициявий муҳит хорижий инвестицияларни мамлакатга жалб қилишга таъсир қилувчи муҳим омил бўлиб ҳам ҳисобланади ва уни оптимал тарзда шакллантириш юқори самарадорликни таъминлайди.

Инвестиция муҳитга таъсир этувчи омиллар:

А) макроиқтисодий (ЯИМ динамикаси, инфляция ва фоиз ставкаси даражаси, жамғаришнинг ЯИМдаги улуши);

Б) меъёрий-ҳуқуқий (қонунчилик базасининг сифати ва барқарорлиги, давлат ва маҳаллий қонунчиликнинг муштараклиги, марказий ва маҳаллий қонунчиликнинг муштараклиги, марказий ва маҳаллий шифокорлар тиббий


сийosat, хусусий мулкчилик ҳуқуқларининг ҳимояланганлиги, инвесторлар манфаатларининг ҳимояланганлиги, иқтисодиётда монополлашув даражаси, иқтисодиётни очиклиги, қонун ва тартибларга риоя этилиш даражаси, инвестиция бозорига киришдаги маъмурий шартлар, корпоратив бошқарув даражаси);

2005-2011 йилларда инвестициялар таркибини ўзгариши (фоизда)⁷

Кўрсаткичлар	2005 й	2006 й	2007 й	2008 й	2009 й	2010 й	2011 й
Амалдаги баҳоларда, жами, млрд. Сўм	3165,2	4041,0	5479,7	8587,1	12531,9	15409,1	20721,8
Жорий йилга нисбатан % ҳисобида	107,0	109,1	122,9	128,3	124,8	109,2	112,6
ЯИМда инвестиция миқдори, %	20,8	19,5	19,4	22,7	26,1	24,9	26,8
Марказлашган инвестициялар амалдаги баҳоларда, млрд.сўм	755,8	915,8	1099,7	1717,0	2517,9	2855,3	4696,5
Капитал қўйилмаларда марказлашган инвестициялар миқдори, %	23,9	23,1	20,1	20,0	20,1	18,5	22,7
Марказлашмаган инвестициялар амалдаги баҳоларда, млрд. сўм	2409,4	3109,0	4380,0	6870,1	10014,1	12553,8	16025,4
Капитал қўйилмаларда марказлашмаган инвестициялар миқдори, %	76,1	76,9	79,9	80,0	79,9	81,5	77,3

⁷ Манба: Ўзбекистон Ревспубликаси “Иқтисодиёт” вазирлиги

ИНВЕСТИЦИЯ СОҲАСИДАГИ МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАР ДИНАМИКАСИ
Ўзбекистон Республикасида 2005-2011 йилларда инвестициялар суръатлари
(олдинги йилга нисбатан фоизда)



В) солиқ (солиқ тизимининг сифати ва солиқ юки даражаси);

Г) маълум ахборот алмашинув тизими (ахборот тизимининг шаклланганлиги, мамлакат инвестиция имкониятлари ва компаниялар тўғрисидаги тўлиқ маълумотларнинг мавжудлиги ва улардан фойдалана олиш имконияти, маълумотларнинг долзарблиги, маълум манбаларининг ишончлилиги, оммавий ахборот воситаларида реклама- ташвиқот ишларининг олиб борилиши, ахборот кўргазмалари, тақдимотлар, семинарлар ва инвестициявий миссияларнинг ташкил этилиши);

Д) мамлакатдаги жараёнларнинг шаффоф эмаслиги ва инвестициялар учун уларни олдиндан баҳолай олиш имкониятларининг йўқлиги. Бу инвесторлар учун миллий ва халқаро капитал бозорларида фаолият юритишининг умумий расмий равишда тус олган жараёнларнинг мавжуд эмаслигини билдиради:

Е) халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотлар олдида ташқи қарзларнинг мавжудлиги.

Юқорида келтириб ўтилган омиллар инвестиция фаолиятига раҳбатлантирувчи ижобий, шунингдек салбий таъсир этиши мумкин.

Аксарият иқтисодчилар инвестиция муҳити тушунчаси таркибини бир хил талқин қиладилар, аммо унинг тузилишига, таҳлил услубига аниқлик киритилганда олимларнинг фикрини турлича бўлиши кузатилади. Инвестиция муҳитини баҳолашнинг асосий учта услубий ёндашуви мавжуд.

Биринчи-ихчамлашган ёндашув, у ялпи ички маҳсулот суръатлари, миллий даромад ва саноат ишлаб чиқариш ҳажми; миллий даромад тақсимланиши суръатлари, истеъмол ва жамғариш мутаносиблиги; хусусийлаштириш жараёнларининг кечиши; инвестиция фаолиятини қонунчилик бошқарувининг ҳолати; алоҳида инвестиция бозорлари, шунингдек фонд ва пул бозорларининг ривожланиш ҳолати таҳлиliga асосланади.

Иккинчи-кенгайтирилган, омили ёндашув, у инвестиция муҳитига таъсир этувчи бир қатор омилларни баҳолашга асосланади. Уларга

куйидагилар киради:

- иқтисодий салоҳият тавсифномаси (ресурслар билан таъминланганлик, биоиклим салоҳияти, ишлаб чиқаришга инвестиция амалга ошириш учун бўш ер майдонларининг мавжудлиги, энергия ва меҳнат ресурслари билан таъминланганлик даражаси, илмий-техник салоҳият ва инфратузилманинг ривожланганлиги);

- хўжалик юритишнинг умумий шарт-шароитлари (экологик хавсизлик, материал ишлаб чиқариш тармоқларнинг ривожланганлиги, тугатилмаган қурилишлар ҳажми, асосий ишлаб чиқариш фондларининг эскириш даражаси, қурилиш базаларининг ривожланганлиги);

- бозор муҳитининг етуқлиги (бозор инфратузилмасининг ривожланганлиги, хусусийлаштиришнинг инвестициявий фаолликка таъсири, инфляция ва унинг инвестиция фаолиятига таъсири, аҳолини инвестиция жараёнига жалб қилинганлик даражаси, тадбиркорлик рақобат муҳитининг ривожланганлиги сотиш бозорларнинг кўлами, хўжаликлараро муносабатларнинг фаоллиги, экспорт имкониятлари, хориж капиталининг мавжудлиги), шу жумладан:

1. сиёсий омиллар (аҳолининг ҳукуматга ишончи даражаси, ижтимоий барқарорлик даражаси, миллий-диний муносабатлар ҳолати);

2. ижтимоий ва ижтимоий-маданий омиллар (аҳоли яшаш даражаси, турар жой шарт-шароитлари, тиббий хизматни ривожланганлиги, алкаголизм ва наркаманиянинг тарқалганлик даражаси, жиноятчилик даражаси реал иш ҳақининг ҳажми, миграциянинг инвестиция жараёнига таъсири, аҳолининг маҳаллий ва хорижлик инвесторларга бўлган муносабати, хорижлик мутахассисларнинг ишлаши учун шароитлар);

-ташкилий-ҳуқуқий (ҳукуматнинг инвесторларга бўлган муносабати, ҳукумат органларининг қонунчиликка риоя этиши, корхонани рўйхатга олиш бўйича қарор қабул қилишда тезкорлик даражаси, маълумотлардан фойдаланиш имконияти, маъмуриятнинг касб маҳорати, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятининг самарадорлиги, товар, капитал ва ишчи

кучининг ҳаракатланиши учун шарт- шароитлар, тадбиркорларнинг ишбилармонлик даражаси ва этикаси);

- молиявий (аҳоли жон бошига бюджет даромади, давлат маҳаллий бюджетнинг молиявий ресурсларидан фойдаланиш имкониятлари, хорижий валютада ажратиладиган кредитлардан фойдаланиш имконияти, банк фоизи даражаси, банклараро ҳамкорликнинг ривожланганлиги, 1000 нафар аҳолига тўғри келадиган кредитлар миқдори, узоқ муддатли кредитларнинг улуши, омонатларнинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган миқдори, зарар билан ишлайдиган корхоналар улуши).

Турли даражадаги хўжалик тизимларининг инвестиция муҳитини баҳолашга омилли ёндашилганда умумлаштирувчи кўрсаткич бўлиб барча омиллар бўйича турли хилдаги ўртача тортилган баҳолар йиғиндиси келиб чиқади:

$$Q = \sum_j (x_j \times P_j)$$

Бунда: Q –инвестиция муҳитининг тортилган баҳоси йиғиндиси, x_j - j -омилнинг ўртача баллиқ баҳоси; P_j - j -омилнинг вазни.

Инвестиция муҳитини баҳолашнинг йиғма кўрсаткичи инвестиция киритиш учун у ёки бу хўжалик тизими жозибадорлигининг ягона меъзони бўлиб хизмат қила олмайди. У одатда инвестиция муҳитининг ҳолати ва суръатига бевосита таъсир этувчи у ёки бу омиллар ривожланганлиги тўғрисидаги маълумот билан тўлдирилади. Маблағ киритиш объекти тўғрисида қарор қабул қилишда ҳар бир инвестор ўз омиллари танловига таянишга ҳақли.

Учинчи –таваккалчиликка асосланган ёндашувда икки хил вариантни кўриб чиқиш мумкин:

- 1) инвестиция салоҳияти ва инвестиция таваккалчилиги;
- 2) инвестиция таваккалчиликлари ва иқтисодий-ижтимоий салоҳият.

Уларни бир ҳудудда ишлаб чиқариш омилларининг мавжудлиги; меҳнат ресурсларининг билим даражаси; истеъмол талаби; ҳудуд аҳолисининг хўжалик фаолияти натижалари; фаннинг ривожланганлик даражаси ва унинг

ютуқларини тадбиқ қилиниши; бозор иқтисодиёти етакчи институтларнинг ривожланганлиги; комплекс инфратузилма билан таъминланганлик каби макроиқтисодий тавсифларга асосан баҳоланади. Кўрсаткичлар гуруҳларнинг инвестициявий салоҳиятининг ҳар бир блоки ва таваккалчилик бўйича рейтинг тузилади. Инвестиция таваккалчиликлари инвестиция ва даромаднинг йўқотилиш эҳтимолидан келиб чиққан ҳолда баҳоланади.

Муваффақиятли инвестиция муҳитини шакллантириш шартларини боҳолаш услубларини такоминлаштириб борилиши билан бир катор вазиятларни эътиборга олиш мақсадга мувофиқ:

- Турли инвестициялар учун умумий вазиятга аниқлик киритиш талаб этилади ва у ҳар доим ҳам ҳар қандай тўсиксиз қисқа вақт ичида максимал фойда олишга интиладиган абстракт стратегик инвестор учун қабул бўлмайди.

-Инвестиция жалб қилувчи ва инвестиция киритувчи томонлар турли мақсадларни кўзлайди ва бу инвестиция муҳитининг маффаатлар мувозанатига тўғри келиши талаб этилади.

Инвестиция муҳити барқарор вазият сифатида узоқ вақт давомида мамлакат ҳўжалигида омил ресурслар жамланмасини шакллантиришга йўналтирилиши керак.

-Инновация мақсадидаги инвестициялар кичик бизнес соҳасини ривожлантириш учун жозибадор ҳисобланиб, у айниқса венчур инвестицияда яққол намоён бўлмоқда.

-Инвестиция муҳитини шакллантиришда ижтимоий ўсиш суъатлари, интеллектуал ресурсларнинг ривожланиши турмушнинг барча жабҳаларида малаканинг ошиши муҳим аҳамиятга эга.

-Инвестиция муҳити барқарор ривожланиш ва иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг шарт-шароити ва ҳолатини ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқилиши зарур.⁸

⁸ Хусниддин Мадумаров “Микро кредит банк” “ОАТБ,”” Банкнинг инвестициявий фаолиятини мувофиқлаштириш ва ташки иқтисодий алоқалар” департаменти бшлими бошлиги Пул кредит жур 05 2010 25-27бет.

1.2. Иқтисодий ривожлантиришда хорижий инвестицияларни таъсири ва аҳамияти

Ўзбекистон ўз мустақиллигининг дастлабки йилларида бозор иқтисодиётига ўтишнинг дунёда ўзбек модели сифатида тан олинган ўзига хос йўлини танлаб, уни изчил амалга ошириши натижасида МДХ (Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги) ҳудудидаги кўпгина давлатлардан фарқли равишда ишлаб чиқариш ва аҳоли турмуш даражасининг кескин пасайиб, давлатнинг ички ва ташқи қарзлари ҳаддан зиёд ошиб кетишига йўл қўйилмасликка эришди. Ўзбекистон иқтисодиёти 1997-2003 йиллар давомида йилига 3,8-5,2 фоиз ўсиш суръатлари билан ривожланди. Қулай ишчан муҳит яратиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга қаратилган иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш жараёнларининг натижаси сифатида мамлакатимиз иқтисодиёти 2004 йилдан эътиборан йилига 7-9 фоиз даражасидаги юқори ва барқарор ўсиш суръатларини намойиш қила бошлади⁹. - деган кўрсатмалари муҳим амалий аҳамиятга эгадир.

Мамлакатимизда инвестиция муҳитининг барқарорлиги ва инвестицион жозибадорликнинг тўғри йўлга қўйилгани ҳам хорижий инвестицияларнинг кириб келиши учун замин бўлмоқда. 2012 йилда 2 миллиард 300 миллион доллардан ортиқ қийматида тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитларнинг ажратилиши 4 340 656 миллион сўмни ташкил этиши режалаштирилган. Инвестицион жозибадорлик объект сифатида муайян бир миқёсда, яъни биронта лойиҳа, корхона, минтақа, тармоқ ҳамда мамлакат даражасида кўрилиши мумкин. Эътиборли жиҳати шундаки, мазкур тизимда корхона асосий таянч нуқта ҳисобланиб, ҳар бир инвестиция лойиҳаси муайян бир корхона миқёсида амалга оширилади, ушбу корхона эса иқтисодий фаолият туридан келиб чиқиб, муайян тармоққа (соҳага) тегишли бўлади. Шунингдек, у маълум бир минтақада жойлашгани сабабли

⁹ Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011. – 13-б.

минтақавий инвестиция жозибадорликни акс эттирса, барча минтақалар бирлаштирилганда мазкур кўрсаткич мамлакат даражасида акс эттирилади¹⁰.

Бу мақсадлар самарадорлик, ишлаб чиқаришни ўстириш, бозорларга кириб бориш ёки ноиқтисодий мазмундаги вазифалар бўлиши мумкин.

Хорижий инвестициялар капитални қулайроқ қилиб жойлаштириш ҳамда у эгасига қайтиб келгунга қадар нисбатан узоқ муддат давомида ундан фойда кўриш мақсадида экспорт қилувчи мамлакатларнинг капитал қабул қилувчи мамлакатлар реал ва молиявий активларига қуйилишини билдиргани ҳолда, бир иқтисодиётдан иккинчисига ўтаётган капитал оқимини кўрсатади. Хорижий инвестицияларнинг кескин фарқи уларнинг давлатлараро кўчиши, фақат ўз мақсадларини кўзлаши, амал қилиш шарт-шароитларининг ўзгариши, анча қулай шартлар билан қуйилиши ҳисобланади.

“Хорижий инвестициялар тўғрисида”ги Қонунга кўра Ўзбекистон Республикасида хорижийлик инвесторлар қуйидагилар бўлиши мумкин:

- хорижий давлатлари, хорижий давлатларининг маъмурий ёки ҳудудий органлари;
- давлатлараро битимлар ёки бошқа шартномаларга мувофиқ ташкил топган ёки халқаро оммавий ҳуқуқ субъектлари бўлган халқаро ташкилотлар;
- хорижий давлатларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил топган ва фаолият кўрсатиб келаётган юридик шахслар бошқа ҳар қандай ширкатлар, ташкилотлар ёки уюшмалар;
- хорижий давлат фуқаролари бўлмиш жисмоний шахслар, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва хорижда доимий яшайдиган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари.

Иқтисодиёт назариясидан бизга маълумки, иқтисодиётнинг ўсиши жамғариш даражасига боғлиқ бўлади. Жамғарилган маблағ эса бу инвестиция манбаидир. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида миллий даромаднинг катта қисми мамлакат аҳолисининг турмуш шароитини маълум

¹⁰ Эргашев И. Хизмат кўрсатиш соҳасида инвестицион жозибадорликни оширишнинг иқтисодий аҳамияти ва омиллари./ Иқтисодиёт ва таълим. 2011 йил, 2-сон, 122 б.

даражада сақлаб туришга ва уларни ижтимоий ҳимоялашга сарфланмокда, бу эса, ўз навбатида, иқтисодиётнинг ўсиши учун йўналтирадиган маблағларнинг ҳажмини камайтиради. Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, бир йилда 6 фоиздан ортиқ иқтисодий ўсишни таъминлаш учун миллий жамғармалар ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)нинг камида 25 фоизини, инвестициялар эса 30 фоизни ташкил этиши керак¹¹.

Шуни таъкидлаш жоизки, айрим конунларнинг ёки меъёрий ҳужжатларнинг тўлақонли бўлмаслиги ҳам инвестиция муҳитига салбий таъсир этади. Бундай камчиликларнинг бўлиши инвесторнинг ўз истикболини белгилаш, қўйилманинг фойдалилик даражасини аниқлаш борасидаги қобилятини камайтиради. Хорижий инвестор учун юқорида кайд қилинган барча омиллар муҳимдир. Шунинг учун ҳам ривожланган кўпгина давлатларда махсус инвестиция лойиҳаларини баҳолайдиган, инвестициялар қўйилишига талаб бўлган давлатларнинг инвестиция муҳитини ўрганадиган ва аниқ хулосаларни инвесторлар учун берадиган фирмалар, ташкилотлар мавжуддир. Масалан, Германиядаги “БЕРИ” хизмати бу борада катта обру қозонган ташкилотдир. Бу каби хизматлар фақатгина хусусий фирмалар томонидангина эмас, балки давлат ёки давлат - хусусий фирмалари томонидан ҳам бажарилади. Бу каби хизматларни ташкил этишда кўпроқ инвестицияга талаби бўлган давлатларнинг таклифи бўлиши зарур. Шунинг учун бизнингча, бу тарздаги ташкилотларни Ўзбекистонда ҳам ташкил қилиш хорижий инвесторлар учун ҳам ички инвесторлар учун ҳам муҳим бўларди. Инвестиция муҳити микроиқтисодиёт даражасида икки томонлама, яъни инвестор ва аниқ давлат органлари, хўжалик субъектлари ўртасидаги муносабатларда ўз аксини топади. Инвестиция муҳити ҳар қандай аниқ вақт учун объектив ҳолат бўлиб, капитал қўйиш учун мавжуд шароитларнинг мажмуасини ўзида қамраб олади. Лекин инвестиция муҳити

¹¹ Фаттохова Ж. “Ўзбекистон молия бозорининг ҳозирги аҳволи”. «Бозор, пул ва кредит» журналы, 2008 1-сон. 17-бет.

давлат органларининг бошқариш фаолияти таъсирида шаклланади. Шунинг учун давлатнинг инвестиция сиёсати энг асосий омиллардандир. Шу маънода ҳар бир давлат капитал импорт қилишда ўзининг аниқ капитал қабул қилиш тизимига эга бўлади. Капитал қабул қилиш тизими бу хорижий капиталга нисбатан давлат сиёсатининг ва қонунларининг, меъёрий ҳужжатларининг мажмуасидир. Ўзбекистонда ҳам ишлаб чиқаришга капитал қабул қилиш тизими йилдан йилга такомиллашиб бормоқда. Ҳозирда хорижий инвестицияларга бўлган муносабатда замонавий халқаро ҳўжалик алоқалари қоидаларига асосаланган ҳолда қонун ва қарорлар ишлаб чиқилмоқда, шунингдек, хорижий инвестицияларнинг инфраструктуралари яратилмоқда.

Республика иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг зарурлиги ишлаб чиқариш қувватларининг жисмоний ва маънавий эскирганлиги, уларнинг қайта тиклашга ёки техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга ёки умуман, янгилашга оид бўлиб қолганлиги; саноат тармоғида моддий техника базасининг ўта пастлиги ва кўпгина зарар кўриб ишлайдиган корхоналарнинг мавжудлиги; республика миллий даромадида жамғариш билан истеъмол ўртасидаги нисбатнинг истеъмол томонга кўплаб сарфланаётгани ва жамғаришнинг инвестиция манбаи сифатида камайиб бораётганлиги; Ўзбекистоннинг табиий бойликларга бойлиги ва бу ерда кўплаб қайта ишловчи корхоналарни қуриш имкониятининг мавжудлиги; аҳоли сонининг ўсиб бораётганлиги ва кичик замонавий ихчам корхоналарни барпо этиш, уларни меҳнат ресурсларининг манбаи бўлмиш қишлоққа яқинлаштириш зарурлиги; республика экспортида хом ашё салмоғини камайтириш ва кўплаб тайёр маҳсулотлар чиқариш имкониятига эга бўлишлиги билан изоҳланади. Хорижий инвестициялар оқимини моддийлаштиришда банклар айниқса муҳим роль уйнайди. 2003 йилда бу инвестициялар мамлакатимиз иқтисодиётига киритилган инвестициялар умумий ҳажмининг 26,3% ни ташкил қилди¹².

¹² Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки: Чет эл инвестициялари диққат марказида. «Банк ахборотномаси» газетаси, 2008 йил 28 апрел, 19-20-сон, 15-бет.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки иқтисодиётни қайта қуришга қаратилган лойиҳаларни, йирик инвестиция лойиҳаларини ҳам, республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларни ҳам молиялашни ташкил этаётган етакчи банклардан биридир. Лойиҳаларни молиялаш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлик ва ўзини оқлаш тамойилларига асосланган бўлиб, банкнинг ўз ресурслари ҳисобидан ҳам, АҚШ, Германия, Франция, Англия, Япония ва бошқа мамлакатлардаги йирик молия институтлари ва банкларнинг ресурсларини жалб этиш йўли билан ҳам амалга оширолмоқда. Ўзбекистон иқтисодиётга хорижий инвестицияларнинг барча шакллари фаол жалб қилишда амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар қўйидагилардан иборат:

- мамлакатнинг ҳудудий ва тармоқ тизимини такомиллаштириш нуқтаи назардан инвестициялашга таъсир этувчи омилларни мувофиқлаштирган ҳолда қулай инвестицион муҳитни яратиш;

- гуруҳланган омиллар натижасида, нафақат, ҳудудларнинг балки барча микро босқичларда хорижий инвестициясини жалб этиш бўйича рейтинг кўрсаткичларини ҳисобга олиш;

- хорижий инвестициясини жалб этувчи ҳамда шу асосда товар экспорт қилишни кўпайтирувчи корхоналар учун имтиёزلарни кенгайтириш;

- инвестиция лойиҳаларини иқтисодиётнинг макро ва микро даражасидаги эҳтиёж ва имкониятларни ҳисобга олиб, ишлаб чиқиш асосида халқаро молия институтларининг республикада очган кредит линияларидан тўла-тўқис фойдаланишни таъминлаш;

- хорижий инвестицияларини тез қарор қабул қилишлари учун ҳисоб ва ҳисобот тизими самарадорлигини ошириш каби қўшимча тадбирларни амалга ошириш зарур.

Хорижий инвестицияларни жалб этиш тадбирларини амалга оширишда қўйидаги тамойилларга асосланилади:

1) ташки иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш соҳасида аниқ мақсадни кўзлаб сиёсат юритиш; республика иқтисодиётига бевосита капитал маблағни кенг жалб этишни таъминлайдиган ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни тобора такомиллаштириш;

2) республика жаҳон даражасидаги технологияларни етказиб бераётган, иқтисодиётнинг замонавий таркибини вужудга келтиришга кўмаклашаётган хорижий сармоядорларга нисбатан иқтисодий рағбатлантириш тамоилларини кўллаш;

3) маблағларни рақобатбардош товарлар ишлаб чиқарадиган, мамалакатнинг экспорт салоҳиятини кўтара оладиган муҳим устувор тармоқларга йўналтириш.

1-боб бўйича хулоса

Хулоса қилиб айтганда, Республика иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг зарурлиги ва аҳамияти биринчидан, ишлаб чиқаришга замонавий техника ва технологияларни жорий этиб, экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ривожлантиради; иккинчидан, импорт ўрнини босувчи товар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва бунинг учун хорижий инвестицияларни иқтисодиётнинг устувор соҳаларига йўналтириш ва пировардида аҳолининг меъёрадаги турмуш даражасини таъминлаш имконини яратади; учинчидан, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жадаллаштириш орқали ўсиб бораётган аҳолини иш жойлари билан таъминлайди; тўртинчидан, корхоналарнинг эскирган ишлаб чиқариш қувватларини, моддий-техник базасини янгилайди ва техник қайта қуrolлантиради; бешинчидан, табиий ресурсларни қайта ишловчи корхоналарни барпо этишга кўмаклашади ва ҳ.к. Ўзбекистонда инвестицияларнинг иқтисодиёт юксалишидаги аҳамиятидан келиб чиқиб, белгиланган вазифаларининг амалга оширилишини таъминлашда хорижий инвестицияларининг алоҳида ўрин тутишини инобатга олган ҳолда уларни барча шакллари бўйича жалб этиш чора-тадбирларининг бажарилиш

сифатини ошириш зарур. Иқтисодиётнинг устувор тармоқларини ривожлантириш учун хорижий инвестицияларни жалб қилиш сиёсати мавжуд маблағлардан, вақтдан ва имкониятлардан самарали фойдаланишга, турли хил рискларни, мавжуд шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда бойликларни самарали жойлаштиришга ва шу йўл билан Республика иқтисодиётини кўтаришга, унинг жаҳон иқтисодий тизимига қўшилишига, хорижий инвестицияларининг кириб келишини рағбатлантириш йўли билан инвестицияларни, кўпроқ, иқтисодиётнинг устувор тармоқларига жалб қилишга ҳамда улардан самарали фойдаланишга қаратилган.

Хорижлик инвесторлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида инвестицияларни қуйидаги йўллар билан амалга оширишлари мумкин:

- Ўзбекистон Республикасининг юридик ва (ёки) жисмоний шахслари билан биргаликда ташкил этилган хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг, банклар, суғурта ташкилотлари ва бошқа корхоналарнинг устав жамғармаларида ва бошқа мол-мулкида улуш қўшиб қатнашиш;

- хорижлик инвесторларга тўлиқ қарашли бўлган хўжалик жамиятлари ва ширкатларини, банклар, суғурта ташкилотлари ва бошқа корхоналарни барпо этиш ва ривожлантириш;

- мол-мулк, акциялар ва бошқа қимматли қоғозларни, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан эмиссия қилинган қарз мажбуриятларини сотиб олиш;

- интеллектуал мулкка, шу жумладан муаллифлик ҳуқуқлари, патентлар, товар белгилари, фойдали моделлар, саноат намуналари, фирма номлари ва ноу-хауга, шунингдек ишчанлик нуфузига (гудвиллга) ҳуқуқлар киритиш;

- концессиялар, шу жумладан табиий ресурсларни қидириш, ишлаб чиқиш, қазиб олиш ёки улардан фойдаланишга бўлган концессиялар олиш;

- савдо ва хизмат кўрсатиш соҳалари объектларига, турар жой биноларига улар жойлашган ер участкалари билан биргаликда мулк ҳуқуқини, шунингдек ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш (шу жумладан ижара асосида фойдаланиш) ҳамда табиий ресурсларга эгалик

қилиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқларини сотиб олиш орқали.

Хорижийлик инвесторлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида инвестицияларни амалдаги қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа шаклларда ҳам амалга оширишлари мумкин. Хорижий инвестициялари бирламчи ёки такроран амалга оширилаётган шаклларининг ўзгартирилиши уларнинг инвестиция сифатидаги моҳияти ўзгаришига олиб келмайди.

Бугунги кунда хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг бир қанча шакллари мавжуд. Булардан:

§улуш қўшиб қатнашиши орқали қўшма корхоналарни ташкил этиш;

§100% мол-мулк хорижий инвесторга тегишли бўлган хорижий корхоналарни ташкил этиш;

§йирик хорижий компания ва фирмаларнинг шўъба корхоналари ва филиалларини ташкил этиш;

§концессия ва лизинг шарномалари тузиш;

§тендерлар эълон қилиш;

§эркин иқтисодий ҳудудлар ташкил этиш;

§молиявий активларни сотиш ва сотиб олиш.

§юридик шахслар тузиш ёки уларнинг устав жамғармаларида (капиталларида) улушли иштирок этиш, шу жумладан мол-мулкни ёки акцияларни олиш;

§қимматли қоғозларни, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан эмиссия қилинган қарз мажбуриятларини олиш;

§концессияларни, шу жумладан табиий ресурсларни қидириш, ишлаб чиқиш, қазиб олиш ёки улардан фойдаланишга бўлган концессияларни олиш;

§мулк ҳуқуқини, шу жумладан улар жойлашган ер участкалари билан биргаликда савдо ва хизмат кўрсатиш соҳалари объектларига, турар жойларга мулк ҳуқуқини, шунингдек ерга ҳамда бошқа табиий ресурсларга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш (шу жумладан ижара асосида фойдаланиш) ҳуқуқини қонун ҳужжатларига мувофиқ олиш.

Хорижийлик инвесторлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий

инвестициялари иштирокидаги корхоналар ташкил этишлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан ўзларига берилган барча ҳуқуқлар, кафолатлар ва имтиёزلардан фойдаланишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги хорижий инвестициялари иштирокидаги корхоналар деганда акцияларининг (улушлари, пайларининг) ёки устав жамғармасининг камида ўттиз фоизини хорижий инвестициялари ташкил этадиган корхоналар тушунилади. Улар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига зид келмайдиган ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклларда фаолият кўрсатадилар. Хорижий инвестициялари иштирокидаги корхона катнашчиларидан бири ушбу қонун 4-моддасининг иккинчи, учинчи ёки тўртинчи хатбошиларида кўрсатилган хорижийлик инвестор бўлиши шарт. Хорижий инвестициялари иштирокидаги корхона уни таъсис этиш йўли билан ёки илгари хорижий инвестициялари иштирокисиз таъсис этилган корхонада иштирок этиш улушини (пайини, акцияларини) ёхуд бундай корхонани бутунлай, шу жумладан хусусийлаштириш жараёнида хорижийлик инвестор томонидан сотиб олиниши натижасида ташкил этилиши мумкин. Хорижий инвестициялари иштирокидаги корхона давлат рўйхатига олинган пайтдан эътиборан юридик шахс ҳуқуқига эга бўлади. Хорижий инвестициялари иштирокидаги корхоналар ташкил этиш ва уларни давлат рўйхатига олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Хорижий инвестициялари иштирокидаги корхона Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг талабларига риоя этган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган шўъба корхоналар, филиаллар, шунингдек юридик шахс бўлмаган ваколатхоналар ва бошқа алоҳида бўлинмалар ташкил этиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида хорижий инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг шўъба корхоналари, филиаллари, ваколатхоналари ва бошқа алоҳида бўлинмалари ташкил этилиши мумкин.

Хорижий инвестициялари иштирокидаги корхоналар ихтиёрий равишда

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида уюшмалар, концернлар, корпорациялар, консорциумлар ва бошқа ҳўжалик бирлашмалари ташкил этиши, амал қилиб турган бирлашмалар таркибига тўла ҳуқуқли аъзо сифатида кириши мумкин.

II-боб. Вилоят иқтисодиётига хорижий инвестицияларини жалб қилиш амалиёти ва истиқболи.

2.1. Қашқадарё вилоятининг ишлаб чиқариш ва иқтисодий тавсифи.

Қашқадарё вилояти 1943 йилда ташкил топган бўлиб, унинг умумий ер майдони 28,6 кв.км.дир ёки 2856799 гани ташкил этади. Вилоятнинг умумий чегара узунлиги 893,89 км бўлиб, Тожикистон Республикаси билан Шахрисабз тумани томонидан Шарқдан 18,5 км, Китоб тумани томонидан эса Шарқдан 41,47 км масофада чегарадош. Шунингдек, вилоят Туркменистон билан Жанубий-ғарб томонидан Дехқонобод тумани орқали 75,9 км, Ғузор тумани билан 22,2 км, Нишон тумани билан 75,74 км ва Миришкор тумани томонидан 79,48 км масофада чегарадошдир. Қўшни вилоятлар билан шимолдан 276 км масофада Самарқанд вилояти билан, жанубий шарқдан 193,8 кмда Сурхандарё вилояти билан, шимолий-ғарбдан 98,3 км масофада Бухоро вилояти билан ва шимолдан 12,5 кмда Навоий вилояти билан чегарадош. **(1 илова)**

Вилоят Ўрта Осиёнинг тоғ тизмаларидан чўл-текислик майдонларига ўтиш чизиғида жойлашган. Шимолий, шимолий-ғарбий қисмлари текисликдан иборат, жанубга ва жанубий шарқ томонга қараб кўтарилиб боради ва тоғ олди текисликлари, тоғ ён бағирлари ва тоғ тизмалари билан бошланади.

Худудда қуёшли кунларнинг кўп бўлиши, ҳароратнинг сутка давомида ва умуман сезиларли ўзгариб туриши, ҳавонинг қуруқлиги, булутларнинг камлиги билан ажралиб туради. Ёз узун, қиш қисқа, баҳор эса серёмғир. Вегетацион даврнинг узунлиги кул ранг тупроқли минтақада 242 кун, ана шу даврдаги фойдали ҳароратнинг йиғиндиси $2533-2939\text{ }^{\circ}\text{C}^0$; Суткалик ўртача ҳарорат $+10\text{ }^{\circ}\text{C}^0$ дан ортиқ бўлган даврнинг узунлиги 248 кундан 298 кунгача бўлади. Вегетацион даврда ҳавонинг ўртача суткалик ҳарорати $+22,9\text{ }^{\circ}\text{C}^0 +24,5\text{ }^{\circ}\text{C}^0$, чўл зоналарида $+25,3\text{ }^{\circ}\text{C}^0$ гача етади.

2.1.1. Жадвал

Қашқадарё вилояти иқтисодий кўрсаткичларининг Республика кўрсаткичига нисбати¹³.

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Ўзбекистон		Қашқадарё		Вилоятнинг салмоғи, %	
			2010 й	2011 й	2010 й	2011 й	2010 й	2011 й
1	Худуди	Минг км ²	447,4	447,4	28,6	28,6	6,3	6,3
2	Аҳоли сони	Минг киши	28985	29559	2029,6	2166,3	8,8	8,9
3	1 км ² га тўғри келадиган киши сони	Киши	51,4	54,1	71,0	75,8	138,1	140,1
4	Шаҳар аҳолиси, шу жумладан % ҳисобида	Минг киши, %	14782.3 38,2	15696.6 37,6	527,2 26	553,2 25,5	6,0	6,1
5	Қишлоқ аҳолиси, Шу жумладан % ҳисобида	Минг киши,%	14202.7 63,0	13862.4 62,6	1502,4 74	1613,1 74,5	10,3	10,6
	Аҳолининг табиий ўсиши, 1000 аҳоли ҳисобига	Киши	21,1	20,3	21,2	20,5	126,5	114,2
7	Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ер майдони	Минг га.	25398,9	24295,9	2195800	2195.598	8,4	8,7
8	Экинлар майдони, шу жумладан Донли экинлар Пахта Картошка ва сабзавот Озуқа экинлари	Минг га. Минг га. Минг га. Минг га. Минг га.	4007,0 1740,5 1487,3 219,9 521,5	4012,5 1720,5 1517,4 233,3 452,7	569,9 313,0 173,0 14,7 57,4	549,2 278,5 174,3 16,2 56,6	14,2 17,9 11,6 6,6 11,0	14,1 18,1 11,4 6,9 12,5

¹³ Қашқадарё вилояти паспорти

Вилоят иқлими деҳқончилик экинлари етиштиришни ривожлантириш учун қулай. Вегетацион даврнинг узунлиги айрим экинлардан бир йилда икки марта ҳосил олиш имконини беради.

Деҳқончиликни ривожлантиришга тупроқ таркибининг хилма-хиллиги муайян таъсир кўрсатади. Вилоят тупроқлари таркиби асосан ўтли, типик ва кул ранг тупроқлардан иборатдир. Улар унумдор ва бўлиб, кўп миқдорда ўсимлик учун тўйимли моддаларга эга. Чўл минтақаларида кулранг-қўнғир, тақир, саҳронинг қумли тупроғи тарқалган, шунингдек, гидрофосфорли тупроқлар ва солончаклар ҳам мавжуд.

Тупроқларнинг муҳим хусусияти уларнинг ишлаб чиқаришга қобиллиги яъни маданийлашганлиги бўлиб вилоятнинг, асосан, эскидан суғорилиб келинаётган юқори даражада маданийлашган ерлари доимий равишда органик ва минерал ўғитлар солинганлиги туфайли ҳаракатчан фосфор, азот билан яхши таъминланган. Уларнинг таркиби чиринди ва микроорганизмларга бой, шу билан бирга уларга энг мақбул табиий хусусиятлар, яъни донаторлик, сувни яхши ушлаб қолиш қобилиятлари юқори. Бундай тупроқли участкаларда яхши режалаштирилган, қишлоқ хўжалик экинларининг ўсиши ҳам бир меъёردа боради. Юқори маданийлашган ерлар асосан Қашқадарё вилоятининг шарқий, жанубий-шарқий, марказий қисмларида, Шахрисабз, Китоб, Яккабоғ, Қамаш, Косон ва қарши туманларида жойлашган.

Ўрта даражада маданийлашган ерлар бутун суғориладиган ер фондининг асосий қисмини ташкил этади. Уларга эскидан суғорилиб келинган, ўтмишда деҳқончилик маданияти даражаси паст бўлган ерлар ҳамда қарши чўлидаги янги ўзлаштирилган ерларнинг унча катта бўлмаган қисми киради.

Қарши чўлининг янги ўзлаштирилган ва янгидан суғорилаётган ерлари озуқа моддалари даражасининг пастлиги, тупроқ таркиби чириндилик даражаси камлиги ва биологик фаоллигининг сустлиги билан ажралиб туради. Бу ерларда одатда эрозия хавфи анча юқори.

Қашқадарё вилоятининг республика табиий иқтисодий салоҳиятида

муҳим ўрин тутиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг нисбатан катта қисми етиштирилади. Жумладан, вилоят ҳиссасига республика аҳолисининг 8,9 % тўғри келиб, қишлоқ аҳолиси 10,6 %ни ташкил этади. Республикадаги донли экин майдонларининг 17,1%, пахтанинг 11,4%, сабзавотнинг 6,9%, ем-хашак экинларининг 12,5% унинг вилоят улушига тўғри келади. (2.1.1. жадвал).

Қашқадарё вилоятига ва Республиканинг бутун жанубий-ғарбий қисмига хос хусусият шундан иборатки, ер ва сув ресурслари ўртасида катта номуносиблик мавжуд. Вилоятда қишлоқ хўжалиги экинлари майдонининг фақат 14-15 фоизигина суғорилади

Қашқадарё вилояти бугунги кунда иқтисодиётнинг барча соҳалари бўйича республикада ўзининг юқори салмоғига эга. Вилоятда бозор муносабатларини муносабатларини шаклланиши ва тадбиркорлик муҳитини яхшиланиши натижасида 2011 йилнинг 1 январ Ҳолатига рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони фермер хўжаликларисиз 44439 тани ташкил қилди. Жорий йилнинг январ-декабр ойларида ялпи ички маҳсулотнинг 55,0 фоизи кичик бизнес субъектлари томонидан (2009 йил январ-декабрида 52,6 фоиз), шу жумладан 34,2 фоизи кичик корхоналар ва микрофирмалар, 10,2 фоизи якка тадбиркорлар, 10,6 фоизи деҳқон хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилди.

Иқтисодиётнинг кичик сектори иқтисодиётдаги жами бандликнинг 74,9 фоизи (727,4 минг киши) бандлигини таъминлади

Кичик бизнес субъектлари томонидан саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 128,2 фоизга ўсди ва 981,6 млрд. сўмни (вилоят саноат ишлаб чиқаришининг 24,8 фоизи), қишлоқ хўжалик маҳсулоти 107,2 фоизга ўсиб, 1320,2 млрд. сўмни (қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 99,3 фоизи) ташкил қилди.

Вилоят иқтисодиётида бажарилган қурилиш ишларининг 65,8 фоизи кичик бизнес корхоналари ҳиссасига тўғри келди.

2.2. Вилоят иқтисодийётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш таҳлили

Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб, ҳудудлар инвестиция муҳитининг жозибадорлигини ошириш ва инвестиция жараёнларини жадаллаштириш мақсадида давлатимиз томонидан бир қатор қонун ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб, улар доимий равшда назорат қилиб борилмоқда. Бу эса ўз навбатида мамлакатнинг ички инвестиция салоҳиятининг юксалиши ва хорижий инвестицияларнинг ҳажми йилдан – йилга ортиб боришини шунга мос равшда макроиқтисодий кўрсаткичлар, шу жумладан, япи ички маҳсулот ҳажми ҳам ўсишини таъминламоқда.

Ўзбекистон президентининг 2010 йилнинг асосий яқунлари ва 2011 йилда республикани ижтимоий иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган вазирлар маҳкамаси мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек:” Инвестиция мақсадлари учун узоқ муддатли кредитлар ажратиш механизмларини янада такоминлаштириш ва уларнинг ҳажмини ошириш, бошланғич капиталини шакллантириш, микрокредитлар бериш қўламини кенгайтириш борасидаги ишларни давом эттириш лозим”¹⁴. Хусусан, мамлакатимизда 2010 йили 2009 йилга нисбатан 13,6 фоизга кўп, яъни 9 миллиард 700 миллион АҚШ долларига тенг миқдордаги инвестициялар ўзлаштирилди, бу яппи ички маҳсулотнинг қарийб 25 фоизини ташкил этади. Ушбу инвестицияларнинг камида 72 фоизи ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этишга, жумладан, 38 фоизига яқини асбоб-ускуна ва илғор технологиялар сотиб олишга йўналтирилди. Бу борадаги умумий қўйилмалар ҳажмида хорижий инвестициялар ва кредитлар улуши 28,8 фоиз, тўғридан тўғри хорижий инвестициялар миқдори эса икки миллиард 400 миллион АҚШ долларидан ошди.

Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодийётни диверсификация

¹⁴ 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларга бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь, №14 (5434).

этиш, иқтисодиёт тармоқларининг рақобатдошлигини ошириш ҳамда маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналарининг экспортдаги ҳажмини кенгайтиришга қаратилган инвестиция фаолиятини тартибга солувчи 50 дан ортиқ ҳуқуқий-ҳужжат қабул қилинди, жумладан, “Концессиялар тўғрисида”ги, “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги, “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги, “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги 30.04.1998 йилдаги Қонуни; “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги, “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги Қонунлар айти шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Маълумки, жамият тараққиётида аҳолининг муҳтож қатламларини социал муҳофаза қилиш нафақат ижтимоий, айти вақтда сиёсий аҳамиятга эгадир.

Бу ҳақда сўз борганда, аввало кейинги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётини модернизация қилиш шароитида аҳоли даромадлари таркибида қатор ўзгаришлар содир бўлди:

биринчидан, даромад шакллари ўзгарди, яъни унинг анъанавий турлари (иш ҳақи, пенсия, нафақа, стипендия) қаторига мутлақо янгилари - тадбиркорлик фаолиятидан, мулкдан, кўчмас мулкдан, қимматли қоғозлардан, чет эл валютасидан келадиган даромадлар қўшилди;

иккинчидан, даромадларнинг таркибий қисмлари миқдор ва сифат жиҳатидан ўзгарди, бу борада фуқаро ихтиёридаги ҳақиқий даромадлар, тўпланиш ва ажралиш коэффиценти, даромад танқислиги, тирикчилик минимуми, қашшоқлик даражаси, оила пул даромадларининг харид қобилияти каби тушунча ва категориялар пайдо бўлди;

учинчидан, даромадлардан фойдаланишнинг янги йўналишлари вужудга келди: мажбурий тўловлар ва бадаллар, чет эл валютаси, қимматли қоғозлар ва шахсий мулкни сотиб олиш учун харажатлар, тижорат банкларида қўйилмалар шулар жумласидандир.


Таъкидлаш жоизки, аҳоли даромадларининг даражаси қанчалик юқори бўлса, унинг зарурий эҳтиёжини қондириш, саломатлигини сақлаш, дам

олишини ташкил этиш, маълумот олиши, бўш вақтини мазмунли тарзда ўтказиши бўйича имкониятлари шунчалик кўп бўлади.

Республикамиз иқтисодиётида инвестицияларнинг сўнгги олти йилдаги ўсиш сўр'атлари турлича бўлиб, бунда олдинги йиллардагига нисбатан ўсиш ва пасайиш тенденциялари кузатилмоқда (2.2.1-диаграмма).

2.2.1-диаграмма

2005-2011 йилларда мамлакатимиз иқтисодиётига йўналтирилган инвестицияларнинг ўсиш сур'атлари, фоизда.¹⁵



¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт. - 2012. – 282 бет.

2.2.2-жадвал

**Қашқадарё вилоятида 2001-2011 йилларда жалб этилган инвестициялар тўғрисида
маълумот млрд.сўм (жорий)нархларда¹⁶**

Йиллар	Жами инвестициялар	шу жумладан				
		Бюджет маблағлари	корхоналарнинг ўз маблағлари	банк кредитлари	тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар	бошқа манбалар
2001	206,7	95,1	73,9	11,4	1,05	25,3
2002	209,3	62,8	106,4	0,014	3,6	36,5
2003	297,7	48,4	198,7	0,005	20,1	30,5
2004	339,2	83,8	200,04	0,453	24,9	30,03
2005	437,3	77,8	288,8	0,849	37,5	32,3
2006	756,8	98,4	529,5	3,8	92,3	32,8
2007	873,8	120,8	512,5	8,4	192,3	39,8
2008	1824,7	340,2	834,2	11,8	589,4	49,1
2009	2193	493,7	973,7	34,3	628	63,3
2010	1690,4	381,1	756,4	49,9	456,9	46,1
2011	1914,9	512,5	810,9	87,4	464,4	39,7

¹⁶ Қашқадарё вилояти паспорти

долларлик 34 та лойиҳа киритилган. Инвестицион лойиҳаларнинг босқичма- босқич амалга ошириш 2010 йилда инвестициялар жалб этилиши режалаштирилган 34 та лойиҳадан ташқари қўшимча 20 та, жами 54 та лойиҳа асосида 58,1 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестициялар киритилиб, белгиланган прогноз кўрсаткич 116,6 фоизни ташкил этди.

Жалб этилган инвестицияларнинг 13,7 млн. долларини тўғридан- тўғри хорижий инвестициялар, 2,2 млн. долларини хорижий кредитлар, 13,5 млн. доллари маҳаллий кредитлар ва 18,6 млн. Доллари корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобига тўғри келди.

Қўшма корхоналар бўйича 2011 йилда жами 56 та хорижий инвестициялар иштирокидаги хўжалик субъектлари рўйхатдан ўтказилиб мавжуд корхоналарнинг 45 таси фаолият юритди ва улардан 1166,1 млрд. Сўмлик(тезкор) маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Мазкур хорижий инвестицияли корхоналарнинг вилоят саноатидаги улуши 30 фоиздан ошиғини ташкил этмоқда.

Жорий давр мобайнида янгидан 5та қўшма корхона, булар 2 та қурилиш хизмати, 2 та гинетик воситалар ҳамда 1 та гилам ишлаб чиқариш бўйича фаолият кўрсата бошлади


Худудларда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг аҳамияти бениҳоя катта бўлиб, биринчидан, корхоналарни замонга ҳамнафас янги технологиялар билан жорий этиб, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ривожланади, иккинчидан, импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва бунинг учун хорижий инвестицияларни иқтисодиётнинг устувор соҳаларига йўналтириш ва шу билан бирга аҳоли турмуш даражасини ошириш имкониятини яратилади, учинчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланади ва шу билан бирга иш ўринлари қўпаяди, аҳоли бандлиги мустаҳкамланади, тўртинчидан, эскирган техника технологиялар ўрнини янги турдаги замонавий технологиялар эгаллайди, бешинчидан, табиий маҳсулотларни қайта ишлаш корхоналари сони ортиб боради.

Худудларда лойиҳаларни молиялаштиришда ички ресурслардан

фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун қуйидаги чоратадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ; (2.2.2-жадвал) Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики вилоятимиз иқтисодиётига жалб қилинган инвестициялар йиллар давомида ортиб бормоқда 2001 йилдан 2009 йилгача тўғридан тўғри хорижий инвестициялар мунтазам ўсиш тенденциясига эришган. 2008 йилда 2007 йилга қараганда хорижий инвестициялар ўсиш даражаси сўнгги 10 йил ичида энг юқори кўрсаткични ташкил этган. Яъни 2008 йил 2007 йилдан 3 марта кўп хорижий инвестициялар жалб қилинган. Бунинг асосий сабаби 2008 йилда дунёда жаҳон молиявий иқтисодий инқирози рўй бераётган паллада Ўзбекистонда иқтисодий барқарорлик таъминланганлиги ва бунинг ўз вақтида хорижлик инвесторлар томонидан эътиборга олинганлиги юртимизга тўғридан тўғри инвестицияларнинг ҳажмининг сўнгги 10 йил ичида энг юқори кўрсаткичларга эришганлигининг яққол мисоли десак янглишмаймиз назаримизда. Аммо 2010 йилда 2009 йилга қараганда қарийб 27% камайганлиги ёки 171,1 млрд сўм кам хорижий инвестиция жалб қилинганлигини кўришимиз мумкин. Мамлакатимиз иқтисодиётига жалб этилаётган инвестициялар манбалари ва улардан фойдаланиш борасида ижобий сифат ўзгаришлари рўй бермоқда. Молиялаштириш манбалари таркибига тўхталадиган бўлсак (2.2.2-жадвал), маълумотларига қарайдиган бўлсак биргина 2008 йилда умумий инвестициялар ҳажмида давлат бюджети маблағлари 49,1фоиз;тўғридан тўғри чет эл инвестициялари 589,4 банк кредитлари 11,8 корхоналарнинг ўз маблағлари 834,2 бошқа манбалар 340,2 фоизни ташкил этган.Ўзбекистон жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳукм сураётган бир шароитда ҳам улкан хорижий инвестициялар йўналтирилаётган мамлакатлар гуруҳидан жой олмоқда. Бунга, албатта, мамлакатимизда олиб борилаётган ва узоқ стратегик мақсадларни кўзлаган инвестиция дастурлари ҳамда қулай инвестиция муҳити яратилгани асосий




2.2.2-диаграмма

Қашқадарё вилоятида 2001-2011 йилларда жалб этилган инвестицияларнинг ўсиш динамикаси (млрд.сўм)



2.2.3-диаграмма

Қашқадарё вилоятида 2009-2011 йилларда жалб этилган инвестицияларнинг ўзгариш динамикаси(млрд.сўм)




2.2.4-жадвал

Кашкадарё вилоятида 2008-2011 йилларда асосий капиталга киритилган ва чет эл инвестициялари (млрд. сўм)¹⁷

Инвестиция турлари	2008	2009	2010	2011
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	1630,7	2193	1914,9	1914,9
Чет эл инвестициялари ва кредитлар	695,8	819,4	464,4	464,4

2.2.4 диаграмма



¹⁷ Қашқадарё вилояти паспорти

2.2.5-жадвал


Кашкадарё вилоятида 2008-2011 йилларда асосий капиталга киритилган инвестициялар¹⁸ (млрд. сўм)

	2008	2009	2010	2011
Карши ш.	396,8	124,4	175,1	183,3
Гузор	320,3	321,3	197,2	244,6
Дехконобод	128,9	186,9	122,5	60,2
Камаш	15,3	32,1	21,1	33,4
Карши	41,9	69,4	47,7	93,2
Косон	55,1	61,7	46,4	57,9
Китоб	15,2	27,2	28,8	39,8
Миришкор	77,1	504,6	271,4	42,5
Муборак	397,3	452,6	447,8	893,1
Нишон	99,4	302,5	88,6	93,2
Касби	16,4	19,6	24,2	30,7
Чирокчи	19,4	26,6	26,8	35,7
Шахрисабз	25,5	33,2	58,3	55,9
Яккабоғ	22,1	30,9	41,9	51,4
Жами	1630,7	2193	1597,8	1914,9

¹⁸ Қашқадарё вилояти паспорти

2.2.5-диаграмма

Кашкадарё вилоятида 2008-2011 йилларда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг туманлар кесимида ўсиш тенденцияси (млрд. сўм)



2.2.6-жадвал


Кашкадарё вилоятида 2008-2011 йилларда киритилган чет эл инвестицияларнинг туманлар кесимида ўсиш тенденцияси¹⁹ (млрд. сўм)

	2008	2009	2010	2011
Карши ш.	333,2	60,5	14,24	27,3
Гузор	150,3	97,7	0,38	0,8
Дехконобод	14,2	67,6		
Камаши		10,1	0,09	0,2
Карши	28,8	14		
Косон		27,3	0,14	0,3
Китоб			0,09	0,2
Миришкор	63,9	3,5	0,09	0,1
Муборак	14,5	250,9	156,34	429,3
Нишон	82,2	282	2,55	4,9
Касби	7,3	1,1		
Чирокчи			0,23	0,5
Шахрисабз	1,4	2,6	0,33	0,6
Яккабоғ		2,1	0,10	0,2
Жами	695,8	819,4	464,4	464,4

¹⁹ Қашқадарё вилояти паспорти

2.2.6-диаграмма

Кашкадарё вилоятида 2008-2011 йилларда киритилган чет эл инвестицияларнинг туманлар кесимида ўсиш тенденцияси (млрд. сўм)



2.2.7-жадвал


2007-2010 йилларда Қашқадарё вилояти саноат тармоқларига киритилган инвестициялар²⁰ (млрд.сўм)

	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил 9 ойлик
Ёқилғи-энергетика тармоғида маҳсулот ишлаб чиқариш хажми	50,9	156,4	71,0	0,6
Кимё саноати тармоғида маҳсулот ишлаб чиқариш хажми	0,20	0,25	0,35	200,9
Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш хажми	1,2	1,3	2,3	4,2
Озиқ-овқат саноатида маҳсулот ишлаб чиқариш хажми	1,1	2,8	1,8	4,1
Енгил саноатда маҳсулот ишлаб чиқариш хажми	2,4	2,5	0,6	2,2
Саноатнинг бошқа сохалари	1,10	1,30	3,20	0,20

²⁰ Қашқадарё вилояти паспорти

2.2.7-диаграмма

2007-2010 йилларда Қашқадарё вилояти саноат тармоқларига киритилган инвестициялар ўсиш динамикаси (млрд.сўм)



2-боб бўйича хулоса

Хулоса қилиб, инвестиция тўғрисидаги таҳлиллар ва берилган таърифга асосланиб ҳамда инвестицияларни вилоят иқтисодиёти ривожланишига ҳар томонлама ижобий таъсирини ҳисобга олиб, унинг қўйидаги вазифаларини белгилаш мақсадга мувофиқдир:

- вилоят иқтисодиётда ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш воситаларини оптимал жойлаштириш билан кенг тармоқда бозор инфратузилмаларини шакллантиришга имкон яратиш;

- вилоят иқтисодиётдаги такрор ишлаб чиқариш жараёнига ижобий таъсир кўрсатувчи барча йўналишларни ва имкониятларни амалиётга тадбиқ этиш;

- вилоятнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолдаги қонуний кафолатланган инвесторларни қониқтирувчи улушини яратадиган ва молиявий ўсишини таъминловчи инфратузилмаларни фаоллаштириш;

- иқтисодиётнинг барча соҳаларини фаоллаштириш орқали вилоятнинг барқарор ўсиши ва жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашувини тезлаштириш.

Вилоят иқтисодиётга киритилаётган инвестиция миқдори ва унинг динамикаси мамлакатдаги иқтисодий ўсиш суръатларини белгиловчи асосий омиллардан бири бўлиб, мазкур омил, ўз навбатида, инвестиция ресурслари манбаларининг таркибий тузилишига ва унинг барқарорлигига боғлиқдир.

Бозор иқтисодиёти шароитида инвестиция ресурслари манбалари макро ва микродаражада фарқланишидан қатъий назар, мамлакат инвестиция бозорида ўзига хос мавқега ва иқтисодий чегараларига эга. Бозор муносабати шароитида инвестиция ресурслари манбалари ичида кредитлар ўта муҳим стратегик аҳамиятга эгадир. Чунки, бозор иқтисодиёти шароитида корхонанинг ўз маблағ манбалари чекланган бўлиб, улар, асосан, жорий харажатларни қоплаш учун сарфланади, қолган қисми эса чекланган маблағ сифатида инвестиция фаолиятини чегаралаб қўяди. Шу боис ҳозирда инвестиция ресурслари бозорида таклифни, нафақат, барқарорлаштириш,

балки етарли миқдорда ошириш учун унинг манбалари таркибида давлат улушини камайтирган ҳолда хорижий кредитлари ва маҳаллий банклар кредитларини ошириш мақсадга мувофиқдир.

III-боб. Вилоят иқтисодиётига хорижий инвестицияларини жалб қилиш йўналиши ва истикболлари

3.1. Хорижий инвестицияларини жалб қилишда инвестиция муҳитини шакллантиришнинг жаҳон тажрибаси ва истикболлари

Инвестиция муҳити — бу хорижий капитал қўйилмаларининг калтислик даражасини ва улардан мамлакатда самарали фойдаланиш имкониятларини олдиндан белгилайдиган иқтисодий, сиёсий, юридик ва ижтимоий омиллар йиғиндисидир.

Инвестиция муҳити комплекс, кўпқиррали тушунча бўлиб миллий конунчилик, иқтисодий шарт-шароитлар (инқироз, ўсиш, стагнация), божхона режими, валюта сиёсати, иқтисодий ўсиш суръатлари, инфляция суръатлари, валюта курсининг барқарорлиги, ташқи қарздорлик даражаси каби кўрсаткичларга эга.

Жаҳон амалиётида мамлакатнинг инвестиция муҳитини баҳолаш борасида турли ёндашувлар мавжуд. Ушбу ёндашувлар бир-биридан инвестиция муҳитини ташкил этувчи омилларни тўлиқ ёки қисман қамраб олиши билан фарқ қилади. Таҳлиллар кўрсатишича, «*Standart & Poor's*», «*Moody's*» va «*Fitch IBCA*» жаҳондаги энг йирик рейтинг агентликлардан ҳисобланади. Ушбу агентликлар эмитентнинг қарз мажбуриятларини кўрсатилган муддатда ва тўлақонли бажара олиш имкониятлари ва эмитентларнинг кредит бера олиш қобилиятига баҳо берадилар. Агентликлар томонидан ишлаб чиқилган ва тузилган рейтинглар мамлакат инвестиция муҳитини маълум даражада баҳолаш имконини беради.

Масалан, «*Standart & Poor's*» услубиятига кўра, узоқ муддатли рейтинг энг юқори «*AAA*» кўрсаткичидан энг қуйи «*O*» кўрсаткич оралиғида ўзгариб боради. «*AA*» дан «*CCC*» кўрсаткичигача бўлган оралиқ рейтинг «*мусбат*» (+) ёки «*манфий*» (-) белгилар билан тўлдириб борилиши мумкин ва улар асосий кўрсаткичларга тегишли бўлган оралиқ кўрсаткичлар ҳисобланади. Қарз мажбуриятларини бажариш сифати рейтингнинг қуйидаги

кўрсаткичлари орқали баҳоланади:

AAA - қарз мажбуриятларини кўрсатилган муддатда ва тўлиқ бажаришнинг энг юқори қобилиятини акс эттиради;

AA - қарз мажбуриятларини кўрсатилган муддатда ва тўлиқ бажаришнинг юқори қобилиятини англатади;

A - қарз мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ бажаришнинг нисбатан юқори қобилияти, аммо тижорат, молия ва иқтисодий шароитлардаги салбий ўзгаришлар таъсирини ифодалайди;

BBB — қарз мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ бажаришнинг етарли даражадаги қобилияти бўлиб, молия ва иқтисодий шароитлардаги салбий ўзгаришлар таъсирининг юқори даражада сезилишини ифодалайди;

B - молия ва иқтисодий шароитлардаги салбий ўзгаришлар таъсирининг кескин сезилиши ҳамда қарз мажбуриятларини кўрсатилган муддатда ва тўлиқ бажариш имконининг мавжудлигини билдиради;

CCC - эмитентнинг қарз мажбуриятларини бажармаслик эҳтимолининг мавжудлиги бўлиб, қарз мажбуриятларининг ўз вақтида бажарилиши эса кулай тижорат, молиявий ва иқтисодий шарт-шароитлар билан белгиланади;

CC - ҳозирги даврда эмитентнинг қарз мажбуриятларини бажармаслик эҳтимолининг юқори эканлигини ифодалайди;

C — эмитентга нисбатан банкротлик ёки процедураси қўзғатилган ҳолда тўловлар ёки қарз мажбуриятларининг бажарилиши давом этаётганлигини билдиради;

CD — бошқа қарз мажбуриятларини кўрсатилган муддатда ва тўлиқ тўланаётган шароитда ушбу қарз мажбурияти бўйича танланма дефолт мавжудлигини акс эттиради;

D — қарз мажбуриятлари бўйича дефолтни ифодалайди.

«AAA», «AA», «A» ва «BBB» категориялари рейтинги инвестицион класс рейтинглари ҳисобланиб, «BB», «B», «CCC», «CC» ва «C» категориялари рейтинги эса спекулятив классга маълум даражада киради. Кредит рейтингларини ишлаб чиқишнинг асосий ташкилий қисми уларнинг

ўзгаришини прогнозлаш ҳисобланади. Прогнознинг қуйидаги тавсифлари кенг қўлланилади: «ижобий» (рейтингнинг кўтарилиши эҳтимоли), «салбий» (рейтингнинг пасайиши эҳтимоли) ва «барқарор» (рейтингнинг ўзгариши кузатилмайди). Рейтинг агентликлари томонидан рейтинг ўзгариши тенденцияларини аниқлаш мураккаб бўлган ҳолатда «ривожланаётган» прогноз тавсифидан фойдаланилади ва у рейтингнинг кўтарилиши ёки пасайиши эҳтимоли борлигини аниқлатади.

БЕРИ индекси бўйича мамлакат рискин баҳолаш усули (шу номдаги фирма томонидан ишлаб чиқилган).²¹

Мазкур усулнинг моҳияти шундаки, обрўли экспертларни танлаш асосида ва уларга 5 балли (0 дан 4 баллгача ва уларнинг йиғиндиси 1 га тенг) шкалада 15 та асосий мезонлар бўйича мамлакат рискин баҳолаш таклиф этилади. **Ушбу усулда баҳолаш мезонлари ва уларнинг қийматлари қуйидагилардан иборат:**

1. Сиёсий барқарорлик (0,12).
2. Хорижий инвестицияларга бўлган муносабат (0,06).
3. Миллийлаштирилиши хавфи (0,06), агар мамлакат қонунчилигида мулкни ҳақ тўламасдан экспроприация қилиш кўзда тутилган бўлса, 0 балл қўйилади.
4. Валютанинг девальвация қилиниш эҳтимоли ва даражаси (0,06).
5. Тўлов баланснинг ҳолати (0,06).
6. Бизнеснинг бюрократлашиш даражаси (0,04).
7. Иқтисодий ўсиш суръати (0,1).
8. Валютанинг эркин алмашинуви даражаси (0,1).
9. Шартнома мажбуриятларини бажариш сони (0,06).
10. Меҳнат унумдорлиги даражаси ва иш ҳақи харажатлари (0,08).
11. Юридик ва маркетинг маслаҳатларини олиш, малакали мутахассисларни жалб қилиш имконияти (0,02).
12. Алоқа ва транспортни ташкил қилиш (0,04).

²¹ Совместные предприятия в практике международных и экономических отношений,- М. : 1990. С. 54

13. Давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг муносабатлари (0,04).

14. Қисқа муддатли кредитларни олиш шартлари (0,08).

15. Узоқ муддатли кредитлар, хусусий капитални олиш фойдаланиш шартлари (0,08).²²

Мамлакат рискининг ўртача тортилган бали қуйидаги формула ёрдамида аниқланади (БЕРИ индекс):

$$I_{БЕРИ} = \sum_{i=1}^{15} \kappa_i j_i,$$

бу ерда: κ_u , j_u - тегишли равишда, u - омилни баҳоловчи мезонларнинг баллардаги қиймати ва вазнли коэффиценти.

Инвестиция муҳитини баҳолаш бўйича Умумжаҳон банки ёндашуви. Умумжаҳон банкининг 2005 йилда чоп этилган «Ҳамма учун инвестиция муҳитини қандай шакллантириш мумкин» мавзуидаги жаҳон иқтисодиётининг ривожланиши тўғрисидаги йиллик ҳисоботида инвестиция муҳитини баҳолаш бўйича банк ёндашувининг асосий мазмуни келтирилган.²³

Юқорида кўриб чиқилган усуллар сингари ушбу ёндашувда ҳам мутахассислар томонидан бериладиган баллар йиғиндисидан фойдаланилади. ***Умумжаҳон банки ёндашувига кўра мамлакат инвестиция муҳитига таъсир қилувчи омиллар қуйидагилардан иборат, деб ҳисобланади:***

- иқтисодий сиёсат ва ҳуқуқий-меъёрий амалиётнинг ноаниқлиги;
- коррупция даражаси;
- суд тизимининг сифати;
- жиноятчилик даражаси;

• «солиқ юки» ва солиққа тортиш тизимини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш тизими;

²² Одатда, экспертларнинг умумий сони тахминан 100 кишидан иборат бўлади.

²³ Доклад о мировом развитии. 2005. Как сделать инвестиционный климат благоприятным для всех / Пер. с англ., - М.: 2005, С, 252-254,

- молия ресурсларини олиш имконияти ва молиялаштириш қиймати;
- электр билан таъминланганлик даражаси ва сифати;
- ишчилар малака даражаси ва меҳнат қонунчилигининг сифати.

Ушбу ёндашув инвестицион жозибадорликни таъминлашнинг институционал омилларига алоҳида эътибор қаратилганлиги билан ажралиб туради. Жаҳон банки томонидан таҳдид этиладиган инвестиция муҳитига таъсир этувчи омиллар инвестиция rischi билан боғлиқ. Ушбу услубиятга мувофиқ мамлакатнинг инвестиция имкониятлари эътиборга олинмайди.

Россия иқтисодий ҳудудларининг инвестиция жозибадорлигини баҳолашда қўлланиладиган «Эксперт» ҳафтаномаси услубияти.

Ушбу услубиятга мувофиқ инвестиция муҳитига таъсир қилувчи инвестиция riskларининг қуйидаги турлари ажратиб кўрсатилади:

- ҳуқуқий (инвестициялашнинг ҳуқуқий шартларини, алоҳида ишлаб чиқариш омиллари таркибини акс эттиради);
- сиёсий (сиёсий барқарорлик даражасини ҳисобга олади);
- ижтимоий (ижтимоий ҳолат даражаси ҳисобга олинади);
- ноқонуний (минтақада жиноятчилик даражасини ҳисобга олади);
- молиявий (ҳудудий бюджет ва корхоналар молиясининг мувофиқлашганлик даражасини акс эттиради);
- иқтисодий (минтақанинг иқтисодий ривожланиш даражасини ҳисобга олади);
- экологик (атроф-муҳитнинг ифлосланиш даражасини ҳисобга олади).

Ўзбекистонда халқаро амалиёт негизида банклар томонидан чиқарилган қимматбаҳо қоғозларнинг миллий индивидуал рейтинг тизимини жорий этиш мақсадида «Ахбор-Рейтинг» миллий рейтинг агентлиги ташкил этилган. Ушбу агентлик томонидан 2008 йил мобайнида 21 та тижорат банкига турли даражадаги рейтинг баҳолари берилди.

Хорижий инвестицияларни жалб этувчи мамлакатлар иқтисодиётига тўғридан-тўғри ва портфель инвестициялар турлича таъсир кўрсатади. Ушбу ҳолат бу турдаги инвестицияларни иқтисодиётга жалб этишда

кулайлик яратувчи омилларнинг турли мамлакатларда бир-биридан фарқланишига олиб келади. Шу билан бирга ушбу омиллар умумий белгиларга ҳам эгадир.

Мамлакатнинг ТТХИ учум жозибадорлигини таъминлаб берувчи омиллар асосида Ж.Даннинг томонидан ишлаб чиқилган ва «эклектик парадигма» номини олган концепция ётади. ***Ушбу концепция қуйидагиларга асосланади:***

- мулкчилик ҳуқуқи соҳасидаги қиёсий афзалликлар (хусусан, бошқарув билан боғлиқ ўз технологиялари ёки афзалликларнинг бўлиши);
- мамлакатда маҳаллий афзалликларнинг бўлиши (масалан, ички бозор сиғимининг катталиги, ишлаб чиқариш харажатларининг пастлиги, инфратузилманинг ривожланганлиги, ишчи кучи малакаси ва қиймати);
- фирма ички алоқаларидаги максимал афзалликлар, мустақил инвесторлар ва реципиентлар ўртасида рақобатнинг мавжудлиги.

Биринчи ва учинчи шарт фирма хусусиятларини ифодаласа, иккинчи шарт мамлакатдаги инвестиция муҳити билан боғлиқ хусусиятларни акс эттиради. Қабул қилувчи мамлакат фақат биринчи афзалликка эга бўлса, инвестор ички бозорга кириш учун лицензиялаш ёки патентларни сотиш стратегиясини танлайди. Агар биринчи ва учинчи шартлар бажарилса, қабул қилувчи мамлакат учун ТТХИ капитал қўйилмаларнинг энг афзал шакли ҳисобланади ва ушбу ҳолда иккинчи омил ҳам ҳисобга олинади.

Жаҳон амалиёти кўрсатишича, турли мамлакатлар ўртасида миллий иқтисодий ва сиёсий шарт-шароитларда маълум фарқлар мавжуд. Шунинг учун мамлакатнинг ***инвестиция муҳити қуйидаги омиллар ҳаракати асосида шаклланади:***

1. макроиқтисодий омиллар;
2. иқтисодиётни тартибга солишнинг ҳуқуқий режими;
3. тадбиркорлик муҳити.

Хорижий инвестицияларни қабул қилувчи мамлакат иқтисодиётининг жозибадорлигини белгиловчи муҳим омил мамлакатнинг турли хил табиий

ресурслар билан таъминланганлик даражаси ҳисобланади. Шу вақтга қадар ТМК асосан ТТХИ ёрдамида эмас, балки ноакциядорлик шартномалари тузиш асосида ресурслар қазиб олишда иштирок этиб келмоқда. Шу билан бирга XX аср 90-йилларининг иккинчи ярмида қазиб олиш саноатига йўналтирилган ТТХИнинг ҳажми бироз қисқарди.

ТМК ўртасида ўтказилган сўровномалар кўрсатишича, мамлакатдаги инвестиция муҳитини белгиловчи энг муҳим омиллардан бири - қабул қилувчи мамлакат ички бозорининг сиғими ҳисобланади. Ушбу кўрсаткич ялпи ички маҳсулот ҳажми ва аҳоли жон бошига тўғри келувчи даромадлар билан ўлчанади. Катта сиғимга эга бўлган бозор фирмага иктисодиёт кўлами, сиғими афзалликларини амалга ошириш имконини беради.

Макроиктисодий омиллар таркибига реципиент-мамлакатдаги сиёсий барқарорлик ва миллий валюта алмашув курсининг ўзгариши ҳам киради.

Мамлакатнинг ТТХИ учун жозибадорлиги қулай ва барқарор ҳуқуқий режим, хорижий инвесторларга мулкни миллийлаштириш хавфидан кафолатлар берилиши ва унинг ҳуқуқларини камситмайдиган режим яратилиши билан белгиланади. Инвестиция муҳитига таъсир қиладиган учинчи гуруҳ омилларни мамлакатда шаклланган умумий тадбиркорлик муҳити омиллари (солиқ тизими, ишлаб чиқариш харажатлари даражаси, ишчи кучи малакаси даражаси, муносиб инфратузилманинг мавжудлиги, илғор технологиялар ва инновациялардан фойдаланиш имкониятлари) ташкил қилади.

3.1.1-жадвал

Ўтиш иқтисодийети мамлакатларида жалб қилинаётган ТТХИга таъсир қилувчи омилларни қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

ТТХИ жалб қилишни қўллаб-қувватлайдиган реципиент-мамлакатлар тавсифи

ТТХИни қабул қилувчи мамлакатларнинг умумий шарт-шароитлари	ТМК мақсадлари бўйича таснифланган ТТХИ тури	Реципиент-мамлакатларнинг иқтисодий тавсифлари
1. Сиёсий муҳит: • иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий барқарорлик; • инвесторнинг келиши ва иш олиб боришни тартибга солувчи қоидалар; • хорижий компания филиалларига бўлган муносабат; • бозорлариинг амал қилиши ва таркиби (рақобат, бирлашиш ва қўшиб олишлар • сиёсати); • ТТХИни қўллаб-қувватлаш бўйича халқаро битимлар; • хусусийлаштириш сиёсати; • савдо сиёсати (тариф ва нотариф тўсиқлар.	А. Сотиш бозорларини кенгайтириш Б. Табиий ресурслардан (активлардан) фойдаланиш ҳуқуқини қўлга киритиш С. ТТХИ, савдо ва солиқ сиёсати ўртасидаги ўзаро боғлиқлик	• бозор ҳажми ва аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад; • бозорнинг ўсиш суръатлари; • минтақавий ва глобал бозорларга чиқиш; • мамлакат истеъмолчилари учун хос бўлган афзалликлар; • бозорлар таркиби; • хом-ашё; • малакасиз кам иш ҳақи тўланадиган ишчи кучи; • малакали кадрлар; • техншюгик, инновацион ва бошқа яратилган активлар (масалан, савдо маркалари), шу жумладан, инсонларда, фирмалар ва уларнинг гуруҳларида • мужассамлашган; • моддий инфратузилма (портлар, йўллар, энергия таъминоти, алоқа); • ресурслар ва актив қийматининг меҳнат унумдорлиги билан биргаликдаги омили; • бошқа харажатлар, масалан рециент-мамлакатга кирит. • чиқиш бўйича транспорт ва • алоқа харажатлари, оралик • маҳсулотларни сотиб олишга • сарфланган харажатлар; • корпорациянинг минтақавий тармоғини яратишга ёрдам берадиган минтақавий • интеграцион гуруҳга аъзолик.
2. Иқтисодий омиллар: • аниқ механизмлар; • бозор инфратузилмаси; • иқтисодий эркинлик.		
3. Бизнесни қўллаб-қувватлаш: • инвестицияларни қўллаб-қувватлаш бўйича чоратадбирлар; • инвестицияларни рағбатлантириш; • коррупцияга қарши кураш ва бошқарув самарадорлиги билан боғлиқ «қўшимча чиқимлар» ва ҳ.к.		
3. Ижтимоий соҳа (икки тилли мактаблар, турмуш сифати ва ҳ.к.);		
4. Инвестицияларга хизмат кўрсатиш	Д. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш	

• сиёсий вазият;

- тадбиркорликка кўмаклашувчи чора-тадбирлар;
- иқтисодий ўсиш суръатлари;
- иқтисодий сиёсат;
- коррупция даражаси.

Ушбу омиллар ТТХИнинг иқтисодиётга жалб этилиши ёки четга чиқиб кетишига сабаб бўлади ва унинг ҳажмига таъсир кўрсатади.

Ҳар қандай ТМК инвестиция объектини қуйидаги уч омилдан келиб чиққан ҳолда аниқлайди:

- а) реципиент- мамлакат юритаётган сиёсат;
- б) ушбу мамлакатлар ҳукуматларининг инвестицияларни қўллаб-қувватлаш фаолияти;
- в) мамлакат иқтисодиётининг умумий ҳолати тавсифи (2.3.1-жадвал).

Турли омилларнинг ТТХИ оқимига таъсири инвестицияларнинг асосий мақсади, тури, тармоғи, ташкил этилаётган корхона ҳажми ва инвесторнинг стратегиясига боғлиқ. Турли мақсадлардан келиб чиқиб, инвесторнинг стратегияси ва қабул қилувчи мамлакат кўзлаётган мақсадга боғлиқ ҳолда инвестицияларни жойлаштириш учун турли объектлар танланади.

•ЮНКТАД мутахассислари томонидан тайёрланган 2.3.2-жадвалда ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида ТТХИ оқимларини тартибга солиб турувчи ёки рағбатлантирувчи иқтисодий омиллар умумлаштирилган шаклда берилган. Кўрсаткичларнинг уч гуруҳга бўлиниши нисбийдир. Масалан, иккинчи гуруҳ омиллар — «сиёсий омиллар» - ҳақиқатда фақат иқтисодий сабабларни: макроиқтисодий барқарорлик, валютанинг конвертацияланиши, хусусийлаштириш суръатлари ва бошқаларни акс эттиради. Учинчи гуруҳ омиллари эса «бизнесга кўмаклашиш» қатор сиёсий омилларни, шу жумладан, «сиёсий муҳит» ва «мамлакат имиджи» кабиларни ўзида мужассамлаштириб, реципиент-мамлакат учун хос хусусиятлар бўлиб,

Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларда ТТХИ оқимига таъсир қилувчи омиллар

Омил	Кўмаклашувчи	Жиловловчи
Иқтисодий омиллар		
Иш ҳақи даражаси	13	—
Ишчилар малакаси	12	1
Бозор ҳажми	2	8
Бозорнинг ўсиш суръатлари	2	3
Табиий ресурслар	1	5
Бошқарув малакаси	1	1
Моддий инфратузилма	1	4
Молиявий инфратузилма	1	3
Бозорга чиқиш имкониятлари	—	1
Саноатнинг ҳолати	—	1
Сиёсий омиллар		
Макроиқтисодий барқарорлик	9	1
Сиёсий муҳит	3	2
Валютанинг конвертацияланиши	5	-
Хусусийлаштириш учуи қулай	4	3
Хусусийлаштириш суръатлари	2	2
Маҳаллий фирмаларнинг	3	2
Иқтисодиётни реконструкция	3	3
Солиқлар тизими	1	2
Ҳуқуқий барқарорлик, суд тизими	—	5
Мавжуд корхоналарнинг		3
Бизнесга кўмаклашиш		
Инвесторларга субъектив яқинлик	11	—
Ахборот	3	5
Мамлакат имиж	1	8
Молиявий рағбатлар	1	8
Бозор рағбатлари	1	3
Корхоналарни рўйхатдан ўтказиш	1	4

уларни таҳлил қилиш, мазкур мамлакат ТТХИнинг оқиб келиши учун тегишли шарт-шароитни яратишни истайдими? деган саволга жавоб беради.

Портфель инвестицияларни жалб этишда инвестиция муҳитини шакллантирувчи омиллар комплекс характерда бўлиб, тадбиркорлик муҳити инвесторнинг стратегияси ва қабул қилувчи мамлакат иқтисодиётига хос хусусиятларни қамраб олади. Жаҳон иқтисодиётида XX асрнинг 90-йилларидан бошлаб портфель инвестициялар ҳажмининг нисбатан барқарор суръатларда ўсиши кузатила бошланди. Бу ҳолатни қуйидаги омиллар таъсири билан изоҳлаш мумкин:

- ривожланаётган бозорларда макроиқтисодий ҳолатнинг барқарорлашуви туфайли портфель инвестицияларнинг ушбу мамлакатлар иқтисодиётига киритилиши;

- молия бозорларининг глобаллашуви ва эркинлаштирилишида молиявий капитални нисбатан кам харажатлар билан қўчириш имкониятининг яратилиши;

- халқаро молия бозорларида фоиз ставкаларининг пасайиши ва ликвидлиликини таъминлашнинг ошиши;

- жамғармаларнинг институционаллашуви ва молиявий активларни профессионал даражада бошқаришнинг ўсиши (қўшма фондлар, хедж фондлари ва бошқа инвестиция компаниялар орқали);

коммуникация ва ахборот технологиялари тармоғининг жадал суръатларда ривожланиши (компанияларга ахборотларни тезкор узатиш имконининг яратилиши). Ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида иқтисодиётнинг эркинлашуви ҳамда таркибий ислохотларнинг амалга оширилиши хорижий инвесторлар учун молиявий маблағларни жойлаштиришда уларнинг жозибадорлигини оширди.

Портфель инвестициялар учун инвестиция жозибадорлигининг макроиқтисодий омиллари икки гуруҳга бўлинади: иқтисодий ва ҳуқуқий.

Иқтисодий омиллар қабул қилувчи иқтисодиётининг умумий ҳолатини акс эттиради. Ушбу омилларга иқтисодий ривожланиш суръатлари, барқарор

валюта курси, валюта захиралари даражаси, миллий банк тизимининг ҳолати, облигациялар ва акциялар бозорининг ликвидлилик даражаси, фоиз ставкалари даражаси каби омилларни киритиш мумкин. Баъзи омиллар акциядорлик капиталига инвестиция йўналтирадиган компаниялар учун муҳим бўлса, бошқалари эса қатъий белгиланган даромад келтирувчи инвестицияларни амалга оширувчи фирмалар учун аҳамиятлидир. Уз маблағларини акциядорлик капиталига киритаётган инвестор учун компаниянинг барқарор ўсиш суръатлари ва акциялар ликвидлиги муҳим аҳамиятга эга. Облигациялар бозорининг ликвидлилик даражаси ва фоиз ставкалари миқдори эса қатъий белгиланган даромад келтирувчи капиталга маблағ сарфлайдиган инвесторлар учун жозибали ҳисобланади.

Портфель инвестицияларини қабул қилувчи мамлакатдаги ҳуқуқий муҳит муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у давлатнинг инвестицияларга бўлган муносабатини белгилаб беради. Портфель инвестицияларни киритишда дивидентлар ва капитални эркин ўтказиш, капиталдан олинадиган даромадларга нисбатан солиқлар миқдори, қимматбаҳо қоғозлар бозорини тартибга солиш, низоларни ҳал қилиш механизмларининг самарадорлиги, миллий брокерлар ва васийлар институтининг мавжудлиги, инвестиция ҳуқуқларининг ҳимояланганлик даражаси, бухгалтерия ҳисоботининг хусусиятлари, тижорат ва бошқа ахборотларни сақдаш тартиби каби омилларнинг роли юқори бўлиб, тизим кўринишида амал қилади.

Ўзбекистонда эса аксинча, илмий асосланган ва яхши ўйланган инвестиция сиёсати туфайли ТТХИнинг жами жалб этилган хорижий инвестициялар таркибидаги улуши 2000 ва 2008 йилларда 14,4% дан 80,8% га етди. Яъни мамлакат иқтисодиётига жалб этилган хорижий инвестициялар узок муддатга жойлаштирилган ТТХИ «узун пуллар» бўлиб, миллий иқтисодиётга жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсирини камайтириш ва юмшатишда муҳим омил бўлди.

3.2. Тўғридан — тўғри хорижий инвестицияларни рағбатлантириш йўллари

Кўпгина мамлакатлардаги инвестиция фаоллиги ва иқтисодий ўсиш хорижий капитали иштирокида қўллаб — қувватланади ва кучаяди. Очик бозор иқтисодиётига эга мамлакатларда капиталнинг халқаро айланиши хўжалик турмуши ривожланишига, халқаро меҳнат тақсимоти чуқурлашишига олиб келди. Хорижий капитали қўйилмалари, улар билан бирга хорижий технологиялари, бошқарув — тажриба татбиқ этилиши, янги бозорга кириш йўлининг очилиши ҳам ўтиш типидagi истаган мамлакатда ишлаб чиқаришни қайта ташкил қилиш учун ҳаётий заруратдир.

Иқтисодиёт шиддатли ўсаётган Хитой эса, ўтиш иқтисодиётига эга мамлакатлар орасида ташқи инвестициялар ҳажми бўйича биринчи ўринга чиқди, капитал оқими бўйича фақат АҚШ дан ортда қолди ва 2005 -2010 йиллар ичида 121,7 млрд. долл. инвестиция жорий қилди.

Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларидаги хорижий инвестицияларининг нисбатан оз ўсишини ҳисобга ола туриб, бу мамлакатларнинг халқаро бозордаги рақобатбрдошлигини оширадиган миллий хусусий капитал ишлашига янада қулай шароитларни яратиш, бозор ва тузилма ислохотларини ўтказиш учун хорижий инвестицияларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Республикамиз ва вилоятимиз учун инвестиция захираларининг хорижий манбаларига мурожаат этилиши ўтиш даврининг ҳам стратегик, ҳам жорий масалаларини ҳал қилиш заруриятига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Бу вазифалардан энг муҳимлари: миллий иқтисодиётни қайта тузиш; минтақаларнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётидаги номутаносибликларни йўқотиш; мамлакатнинг экспорт салоҳиятини кучайтириш; импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришларни ривожлантириш; рақобат муҳитини ривожлантиришга ёрдам берадиган иқтисодиётнинг хусусий ва аралаш секторларини шакллантириш; бозор инфратузилмасини яратиш; илғор хорижий технологияси, ноу —хау ва

бошқарувчилик тажрибасини жалб қилиш.

Ҳозирги вақтда иқтисодиётни қайта тузиш, яъни иқтисодиётни модернизация қилиш ва пировард барқарор тараққиётни таъминлаш учун хорижий капиталини жалб қилиш жараёни, мамлакатимиздаги ва бошқа собиқ иттифок республикалардаги кўпгина иқтисодчи олимлар томонидан тадқиқ қилинмоқда. Бу соҳадаги ҳамма нуқтаи назарларни ҳамда сўнгги йиллардаги амалиётни умумлаштириш, хорижий инвестицияларини жалб қилиш сиёсатида айрим хатолар мавжуд бўлганда, иқтисодиётнинг бозор трансформацияси эҳтиёжлари ва вазифаларига ўхшаш хорижий капитал қўйилмаларини рағбатлантириш бўйича таъсирчан механизм йўқ бўлган, деган хулосага келишга имкон берди. Бу, хорижий инвестициялари ҳажмларини баҳолаш услуби ва услубиётига ; хорижий капиталини жалб қилиш шакллари ва хорижий капиталини жалб қилиш бўйича ташкилий ва иқтисодий механизмларнинг йўл қўйилган кўламларига; минтақавий ва тармоқ тақсимоти таълуқлидир.

Хорижий капиталини Ўзбекистон ва вилоят иқтисодиётига тўғридан — тўғри киритиш бошқа бир қатор устунликларга ҳам эга. Дарвоқе, бу устунликлар хорижий кредитлари билан қиёслаганда жуда катта. Хорижий тадбиркорлик капиталининг жалб қилиниши ҳам ички бозордаги монополизм билан курашишнинг ва рақобатни ривожлантиришнинг фаол воситаси. Бундай капитал нафақат мамлакат етишмаётган инвестиция захираларини олишига хизмат қилади, балки унинг ёрдамида миллий ишлаб чиқариш кучларидан фойдаланиш самарадорлигини жонлантириш, кўтариш ҳам мумкин. Оқилона фойдаланилганда, тўғридан — тўғри хорижий инвестициялари экспорт диверсификациясига, қўшимча иш жойларини яратишга ёрдамлашади, хорижий кредитлари билан қиёслаганда мамлакат қарздорлигини оширмайди, шу орқали валютанинг хорижийга оқимини камайтиради.

Республика ва вилоят иқтисодиётининг ривожланган инфратузилмасига, фойдаланилган қонунчилик ва инвестициялаш учун шаклланган иқлимига

карамай, бозор ислохотлари йиллари давомида Ўзбекистонда тўғридан — тўғри чет эл инвестициялари кўринишида бир неча млрд. АҚШ долларидан ортиқ маблағ ўзлаштирилган эди.

Бизнинг баҳоларимизга кўра, агар тўғридан — тўғри хорижий инвестицияларининг бутун ҳажми давлат учун бирламчи бўлган дастурлар бўйича ишлаб чиқаришни инвестициялашга сарфланганда эди, Ўзбекистонда аллақачон ЯИМнинг барқарор ўсишига эришилган бўларди.

Аммо амалиёт кўрсатишича, иқтисодий ислохотларнинг дастлабки босқичида тўғридан — тўғри хорижий инвестициялари савдо — воситачилик фаолияти соҳасида қўшма корхоналар (КК) барпо этишга, консалтинг хизматларини кўрсатишга, банк секторига, кейинчалик эса, чет эл фирмалари бошқарувига ўтказилган саноат объектларининг қарзларини тўлашга ва муомаладаги маблағларни тўлдиришга йўналтирилган эди. Масалан, Россияда 2008 йилининг биринчи ярми ичида молия ва бозор инвфтузилмаси соҳасида барча хорижий инвестицияларининг 69,8, қишлоқ хўжалиги соҳасида 9,4, саноатда эса, фақат 5,6 фоизи ишлатилган эди.

Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестицияси ўсгани билан уларнинг тармоқ тузилмаси яхшиланмайди. Иқтисодиётнинг эркинлашуви хорижий инвесторлари Ўзбекистон иқтисодиёти асосий тармоқларига йўналтирилишига йўл очиб берди: хорижий қўйилмалари енгил саноатда 46,2 ва 49,2%ни, металлургияда 16,8 ва 5,5%ни, ёқилғи комплексига тўғридан — тўғри хорижий инвестицияларининг умумий оқимига нисбатан 8,7 ва 4,4%ни ташкил қилди.

Назаримизда, хорижий капиталини жалб қилиш ва ундан фойдаланишнинг энг муҳим муаммоларидан бири инвестиция шаклини тўғри танлашдир.

Хорижий капиталини жалб қилиш шакллари танлашдаги асосий мезонлар қуйидагилар: фаолият соҳаси ва маҳсулот тури (технологик мураккаб, илмий ва ҳ.к.); лойиҳа қўйилмалари (майда, ўртача, йирик);

хорижий капиталини жалб қилишнинг стратегик мақсади (жиҳозлар импортидан то ишлаб чиқариш — бошқарувчилик тажрибасида фойдаланишга қадар).

Худуднинг инвестиция имкониятлари етарли, аммо ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш заруратига таянувчи йирик лойиҳалар амалга оширилган (масалан, нефть— кимёда) шартномавий ҚҚ ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир. Шу билан бирга, шартномавий корхона фаолиятини бошлаши биланоқ юртимиз ҳамкорнинг низом жамғармасига тўлиқ эга бўлиши ва бу жамғарманинг бир қисми ишлаб чиқаришни ташкил қилувчи хорижий ҳамкорга маълум муддатга берилиши, яъни у ҚҚ га вақтинча айланиши мумкин.

Хом ашё тармоқлари, биринчи навбатда, тоғ —кон саноати ва ёқилғи — энергетика комплекслари хорижий инвесторларида энг катта қизиқиш уйғотмоқда. Бу ерда ҚҚ билан қиёслаганда, айниқса, разведка ва углеводородлар қазиб чиқариш соҳасида маҳсулотни тақсимлаш учун тузилган шартномалар анча фойизлидир. Бу турдаги шартноманинг устунлиги унга кўра, даромадлар хусусий улуши ошишининг одий ва таъсирчан механизми, шартномаларнинг солиқ ва ҳуқуқий режими автономлигидадир.

Концессиялар, яъни янгиланадиган ва янгиланмайдиган табиат захираларидан фойдаланиш ҳуқуқининг хорижий тадбиркорларга татбиқ этилиши, узоқ муддатли ижара шартномаларига кўра, хўжалик фаолиятининг бошқа турларини амалга ошириш Республика экспорт салоҳиятини орттиришнинг энг самарали усулларида биридир. Аммо хорижий капиталини жалб қилишнинг шу усулидан фойдаланиш бу жараёни давлат томонидан бошқариш ва ҳуқуқий таъминлаш механизми пухта ишлашини талаб қилади. Чунки унинг вилоятдаги туманлар томонидан ўзлаштириш нотекис. Буни 3.2.1 — жадвалдан кўриш мумкин.

3.2.1 жадвал

Вилоят бўйича жалб қилинган жами тўғридан-тўғри хорижий инвестициялари ва кредитлар²⁴

Туман ва шаҳарларнинг номи	2009 йил		2010 йил		2011 йил		Ўзгариш, "+", "-" %	
	млн сўм	Фоизда	млн сўм	Фоизда	млн сўм	Фоизда	млн сўм	Фоизда
Вилоят бўйича жалб қилинган жами тўғридан-тўғри хорижий кредитлари ва инвестициялари	628049,0	100,0	45911,0	100,0	448003,0	100,0	-180046,0	71,3
<i>шундан</i>								
Ўзгор	94207,4	15,0	7804,9	17,0	89600,6	20,0	-4606,7	95,1
Дехқонобод	106768,3	17,0	8723,1	19,0	89600,6	20,0	-17167,7	83,9
Қарши	18841,5	3,0	918,2	2,0	13440,1	3,0	-5401,4	71,3
Косон	18213,4	2,9	688,7	1,5	4480,0	1,0	-13733,4	24,6
Қамаши	18841,5	3,0	0,0	0,0	8960,1	2,0	-9881,4	47,6
Китоб	18841,5	3,0	0,0	0,0	4480,0	1,0	-14361,4	23,8
Касби	100487,8	6,0	1377,3	3,0	17920,1	4,0	-82567,7	17,8
Муборак	138170,8	22,0	11018,6	24,0	80640,5	18,0	-57530,2	58,4
Миришкор	18841,5	3,0	688,7	1,5	4480,0	1,0	-14361,4	23,8
Нишон	628,0	0,1	0,0	0,0	0,0	0,0	-628,0	0,0
Чироқчи	12561,0	2,0	1836,4	4,0	22400,2	5,0	9839,2	178,3
Шахрисабз	31402,5	5,0	2754,7	6,0	35840,2	8,0	4437,8	114,1
Яккабоғ	-37682,9	6,0	3213,8	7,0	13440,1	3,0	51123,0	-35,7
Қарши шаҳри	100487,8	16,0	6886,7	15,0	76160,5	17,0	-24327,3	75,8

²⁴ Қашқадарё вилояти паспорти

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, вилоятнинг туманлари кесимида хорижий инвестицияларини жалб қилиниши нотекис бўлиб, асосий жалб қилинган инвестициялар таркибида энг салмоқли ўринга эга бўлган туманлар Муборак, Деқонобод, Ғузор ва Қарши шаҳри ҳисобланади. Инвестицияларни жалб қилиш бўйича энг пастки салмоққа ёки пастки ўринларда Нишон, Қамаш, Миришкор, Косон туманлари турибди. Демак бу туманлар миқёсида ҳам хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича ҳам зарурий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш зарур.

Республикада ва вилоятларда ички жамғармалардан фойдаланиш шакллари, мамлакат ичида самарали ва камроқ самарадор корхона ва тармоқлар ўртасида ҳам, қатор мамлакатларнинг тармоқ ва соҳалари ўртасида ҳам капитал айланиши икки тарафлама механизмнинг йўқлиги иқтисодиёт мустаҳкамчилигини ва унинг ўсиш имкониятларини камайтиради. Шу боис Ўзбекистонда узок муддатли ривожлантириш стратегиясининг амалга оширилиши аввало, хорижий капитали ва ички инвестицияларни жалб қилиш, капитални оммавий инвестордан ҳақиқий мулкдор қўлига ўтказиш механизмига эга бўлаётган фонд бозори ташкил қилишни талаб этади. Мамлакатда фонд бозори ва маданияти мавжудлиги капиталга эркин талаб ва таклифни таъминлайди. Натижада, асл бозор иқтисодиётининг реал сектори тикланиши ва уни ривожлантиришга янги инвестициялар жалб этилиши имконияти юзага келади. Бу хорижий ва миллий инвестиция институтларининг кенг доирасини жалб қилган портфельни инвестициялашдир. Инвестиция институтлари эса, ўз навбатида, нафақат йирик корхоналар, балки ўрта ва ҳатто майда корхоналар портфелларини диверсификация қилади. Бошқача айтганда, хусусийлаштириш жараёни стратегик инвестор — монополистларни излаш йўлида эмас, балки уларга зарурий шароитлар ва маълумотларни етказиб берсак уларнинг ўзларида инвестиция сарфлаш учун иштиёқ уйғонади.

Ишлаб чиқаришга инвестицияларни олиш ва қўйилмаларни кўплаб

иштирокчилар орасида тақсимлаш ҳисобига шу қўйилмалар (хатто, унча самарали бўлмаган тармоқлар ҳам) таваккалини камайтиришнинг ҳақиқий имконияти — таклиф этилаётган схеманинг асосий афзаллигида. Бунда даромад энг кам таваккал билан узоқ вақт ортиб борадиган, иқтисодиётнинг фақат бирламчи секторларига капитал қўйишнинг ривожланаётган мамлакатлардаги хорижий инвесторлари анъанавий тенденцияларидан четга чиқиш мумкин.

Республикага қолаверса вилоятга хорижий инвесторларини жалб этаётган бундай секторларга қуйидагилар киради: минерал —ҳом ашё захираларини, айниқса, нефть ва газни қазиб чиқариш, энергетика сектори, қора ва рангли металлургия, транспорт, коммуникация, банк секторлари ва бошқалар.

Агар корхоналарнинг сотилиши ёки бир компания бошқарувига ўтказилиши, уни қидириш, сўнгра эса Ўзбекистон учун энг фойдали ва молиявий мустаҳкам компания танланиши билан қийинлашса, айти ҳолда таклиф этилаётган ёндашувда капиталнинг жалб қилиниши йўлида бундай тўсиқлар учрамайди. Даъвагарлар йўқлиги туфайли лойиқани тўхтатиб қўйиш хавфи ҳам бўлмайди, чунки истаган ҳолдаги сингари, эмиссия бўлмаганда унинг бир қисми сотилиб кетади. Бунда давлат ўз тасарруфида акцияларнинг назорат пакетини ёки «тилла акцияларни» қолдириши ва корхона устидан ўз назоратини сақлаб қолиши мумкин.

Хусусийлаштиришга кўздан кечириётган ёндашув амалга оширилган ҳолда, корхонани бошқариш, уни қайта тиклаш, банк хизмати ва бошқалар, зарурият туғилганда хорижий фирмаларни жалб қилиш юртимиз тузилмалари томонидан амалга оширилади. Бу эса, ўз навбатида, ўзбек иқтисодиёти тараққиётига янгидан туртки беради.

Албатта, портфелли инвестициялаш корхонани халқаро стандартлар бўйича аудит баҳолашни, чет элларда реклама қилишни, акциялар жаҳон фонд бозорлари мистингларига киритилишини, бошқа дастлабки ишлар ўтказилишини, қўшимча ҳаражатлар ва вақтни талаб қилади. Аммо

пировардида бу харажатлар ўзини оқлайди ва ишлаб чиқаришга самарали инвестициялар оқимининг кучайишига, бинобарин, ишлаб чиқаришнинг ўсишига олиб келади.

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов шу йилнинг январ ойида Олий Мажлиснинг қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси йиғилишида жақон бозорида рўй бераётган ўзгаришлар, кучли талаб ва рақобат иқтисодиётни янада эркинлаштириш ва бозор ислоқотларини чуқурлаштиришни объектив шарт қилиб қўяётганлигини таъкидлаб, бу йўналишларда 2012 йилда ва келгуси даврларда хал этилиши лозим бўлган энг муҳим устувор вазифаларни белгилаб берган эди. Шу нуқтаи назардан мазмун — моҳияти ва амалий аҳамияти Ўзбекистон минтақалари иқтисодиёти ривожини учун ўта долзарб бўлган мамлакатимиз Президентининг хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантиришга қаратилган Фармони айнан иқтисодиётни эркинлаштириш борасида қўйилган яна бир муҳим қадам бўлди.

Хорижий инвестицияларни тўғридан — тўғри жалб этиш тўғрисидаги ушбу фармон мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш, хусусийлаштириш, корхоналарни модернизация қилиш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилиш, ортиқча ишчи кучи мавжуд бўлган минтақаларда янги иш жойларини яратиш дастурларини амалга оширишга ҳамда хорижий инвесторлар учун ишончли ҳуқуқий ҳимоя ва кафолатларни таъминлаш мақсадларига қаратилган. Фармонга мувофиқ 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб, тўғридан — тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этадиган иқтисодиёт тармоклари корхоналари асосий фаолият турлари бўйича, яъни:

- даромад (фойда) солиғи;
- мулк солиғи;
- ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва ҳудудларни ободонлаштириш солиғи;
- микрофирма ва кичик корхоналар учун белгиланган ягона солиқ;

- Республика йўл жамармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинади.

Бунда хорижий инвестициялар ҳажми қуйидагича бўлганда: 300 минг АҚШ долларида 3 миллион АҚШ долларида — 3 йил муддатга; 3 миллиондан ортиқ АҚШ долларида 10 миллион АҚШ долларида — 5 йил муддатга; 10 миллион АҚШ долларида ортиқ бўлганда — 7 йил муддатга юқорида кўрсатилган солиқлар бўйича имтиёзлар берилади.

Маълумки, дунё мамлакатлари орасида чет эл инвестицияларини ўз миллий иқтисодиётига жалб этишнинг рақобат шакли йилдан — йилга кучайиб бормоқда. Шу боис, хорижлик инвесторларга яратилган қулайлик қайси давлатда устун даражада бўлса, бошқача қилиб айтганда, фойда олиш эҳтимоли каттароқ бўлса, табиийки, уларнинг айнан ўша давлат иқтисодиётига ўз сармоясини киритишга қизиқиши ортмоқда.

Бу эса, бозор иқтисодиётининг нисбий самарадорлик қонунига мос келувчи ечим ҳисобланади, яъни қаерда самара (фойда) олиш имконияти нисбатан юқори бўлса, тадбиркорлар ўша ердаги бозорга кўпроқ интилади. Шу нуқтаи назардан қараганда, бугун Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтаётган давлатлар ичида энг юқори инвестиция муҳити яратган мамлакатлардан бири бўлиб қолди. Бу, шубҳасиз, иқтисодиётимизга тўғридан — тўғри жалб этилаётган хорижий инвестициялар оқимини янада кўпайтиради.

Давлатимиз иқтисодий сиёсати кўпроқ тўғридан — тўғри инвестицияларни жалб этишга ва уни рағбатлантиришга қаратилганлиги боис, турли шаклдаги инвестициялар оқими йилдан — йилга ошиб борапти. Чунки, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар доирасида айнан сармоядорларнинг ўзлари бевосита иштирок этиши ҳисобга олинган ва бунинг учун бизда етарлича шарт — шароитлар мавжуд.

Айниқса, Республика минтақаларидаги бой минерал — хомашё ресурс — лари, етарли миқдордаги малакали ишчи кучлари, соғлом муҳит, сиёсий, ижтимоий — иқтисодий барқарорлик каби омиллар шубҳасиз, чет эл

инвестициялари оқимининг янада кўпайишига, республика минтақаларида фаолият юритадиган корхоналар ривожига хизмат қилади.

Фармоннинг яна бир муҳим жиҳати — бу унинг хусусий инвестицияларни жалб этишга қаратилганлигидир. Маълумки, хорижий ишбилармон доиралари, йирик мулк эгаларининг Ўзбекистонга қизиқиши, қолаверса, аввалдан Ўзбекистонда ўз мулки ва сармоясига эга бўлган кўплаб хорижий тадбиркорлари ўз бизнесларини янада кенгайтириш ниятида эканликлари ҳеч кимга сир эмас. Шуларни ҳисобга олганда, фармонда айнан хусусий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантиришга қаратилган шартлар бу узоқ стратегик аҳамиятга молик тўхтамдир. Хусусийлаштирилаётган корхоналарнинг инвестиция жозибадорлигини ошириш, хорижий инвесторларни жалб этиш учун қўшимча рағбатлантиришларни ташкил қилиш мақсадида назорат акция пакетларини сотиб олмасда, корхоналарга салмоқли ҳажмларда инвестициялар киритаётган инвесторларга профессионал бошқарувчи компанияларга бериладиган давлат акциялар улушини бошқариш ҳуқуқини танловларсиз бериш кўзда тутилган.

Фармоннинг яна бир ўзига хос хусусияти — бу инвестиция киритиш шартлари ва жойларининг аниқ белгилаб қўйилганлигидир. Ортиқча ишчи кучи бўлган минтақалар Қорақалпоғистон Республикаси Жиззах, Қашқадарё, Сирдарё, Сурхондарё, Хоразм вилоятларида, Навоий, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларининг қишлоқ аҳоли пунктларида янги корхоналарни жойлаштириш кўзда тутилган. Бу шартлар хусусий сармояга эга бўлган хорижийлик тадбиркорга, ўз ватанида туриб Ўзбекистоннинг қайси минтақасига ва қайси тармоқ корхонасига инвестицияларини жойлаштириши ва уни қандай тасарруф этиш мумкин эканлигини билиб олишига тўлиқ имкон беради. Бундай ҳуқуқий кафолатлар аниқ — ойдинлиги сармоядорларнинг инвестиция киритиш ҳақида қарор қабул қилишини тезлаштириш билан бирга, уларга мавжуд хатарларни ҳам баҳолаш имкониятини яратади. Бу жиҳатни эса, мамлакатлар ўртасидаги

инвестиция муносабатлари амалиётидаги катта янгилик, деб ҳисоблаш мумкин.

Мазкур режани амалга оширишда белгиланган чора — тадбирлар ис — лоҳотларнинг ўта муҳим йўналишлардаги муаммоларни ҳал этиши, шу билан бирга, уларнинг амалдаги ижросини таъминлашга қандай асослар яратилганлиги ҳам, кўпчиликни қизиқтиради.

Маълумки, Республикамизда хусусийлаштирилаётган корхоналарга жалб этилаётган хорижий инвестицияларининг катта қисмини уларни модернизациялаш учун йўналтирилган тўғридан — тўғри инвестициялар ташкил этади. Шу билан бирга, хусусийлаштирилган корхоналар негизида (улар мулки ҳисобидан) қўшма корхоналар ташкил этиш бўйича ҳам, катта ишлар амалга оширилмоқда.

2005 йил март ойида қабул қилинган хусусийлаштириш дастури таҳлили шуни кўрсатадики, ушбу фармоннинг амалда ижросини таъминлашда у алоҳида ўрин тутди. Чунки, дастурдан хорижий инвесторларини ҳар томонлама қизиқтирувчи хусусийлаштириладиган давлат активлари ўрин олган, яъни: дастурда 115 та давлат мулки объектлари инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул берилиши кўзда тутилган. Хусусийлаштириладиган объектларнинг асосий қисми маъмурий ҳудуд марказларида, 20 фоиздан кўпроғи эса, хорижий инвестицияларини киритиш мумкин бўлган минтақаларда жойлашган. Бу хорижий инвесторлари учун белгиланган имтиёزلардан фойдаланишга кенг имкониятлар очиб беради. Бундай объектларни сотиш тажрибаси шуни кўрсатадики, баҳолаш қиймати юқорилиги сабабли, биржа савдоларида илгари сотилмаган, аммо мазкур объектларга истиқболли инвесторларнинг, шу жумладан, хорижий инвесторларнинг қизиқишини уйғотмоқда, уларнинг сотиб олиш бўйича самарали бизнес — режаси ва Давлат тендер комиссияси томонидан танлов натижалари бўйича белгиланган инвестиция мажбуриятлари суммасининг минимал миқдоридан юқори бўлиши мезонлари муҳим аҳамиятга эга.

Умуман олганда, фармонда кўзда тутилган чора — тадбирларни бугунги

кунда оғишмай ҳаётга татбиқ этиш нафақат иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни жадаллаштириш, балки рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва улар сифатини ошириш, Ўзбекистонни колаверса вилоятнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувини, дунё меҳнат тақсимоотида ўз ўрнини эгаллашини тезлаштиради.

3-боб бўйича хулоса

Бугунги кунда барча мулкдаги хўжалик субъектларини зарурий молиявий маблағлар билан имкон қадар тўлароқ таъминлаш бевосита давлатнинг тузилмавий инвестицион сиёсатларини янада такомиллаштиришни талаб қилади. Чунки ҳозирги кунда марказлашган ва марказлашмаган инвестицияларни жалб этмай туриб ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва реструктуризациялаш ҳамда мавжуд объектларни таъминлаш мумкин эмас. Бунинг учун эса, давлатнинг тузилмавий инвестиция сиёсатини қайта кўриб чиқиш зарур.

Инвестиция сиёсатини тўғри амалга ошириш зарур чунки , нотекис амалга оширилган инвестиция сиёсати иқтисодиёт тамоқларини барқарор ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Инвестиция сиёсатининг мақсадли амалга ошишига албатта инвестиция муҳити таъсир кўрсатади.

Қашқадарё вилояти Ўзбекистон миллий иқтисодиётида муҳим ўрин тутиб, республиканинг индустриал ривожланган ва инвестицион жозибадор ҳудудларидан биридир. Жумладан, фойдали қазилма бойликлари, ер ресурслари, жами миллий бойликлари салмоғи бўйича республикада биринчи ўринни эгаллаб, давлат бюджети донори ҳисобланади.

Вилоятда кейинги йилларда инвестиция ҳажми ошиб борган (1-жадвал) 2011 йил январ-декабр ҳисобидан 1914,9 млрд сўмлик инвестиция ўзлаштирган бўлиб , бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 104,9 фозга кўпдир. Ўзлаштирилган капитал маблағларнинг 219,4 млрд сўм марказлашган ва 1695,5 млрд сўми марказлашмаган инвестициялар ҳиссасига тўғри келади. Шунга қарамай вилоят иқтисодиётига инвестицияларнинг жалб этилиши ва янги иш ўринлари яратилишида айрим

муаммолар мавжуд. Булар маркетинг хизматининг ривожланмаганлиги, валютадаги чекловлар (конвертация), банк-молия тизимининг талабга жавоб бермаслигидир. Ушбу камчиликлар вилоятда инвестиция муҳитини ривожлантириш бўйича бир қатор ўзгаришлар амалга оширилишини талаб этади. Ҳозирги вақтда вилоятда инвестицияларни қуйидаги йўналишларга киритиш мақсадга мувофиқдир:

-қишлоқ хўжалигига - сув таъминоти, ирригация ва мелиорация ишлари учун, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга ва қишлоқда ижтимоий инфратузилма объектларини шакллантириш ва ривожлантириш учун;

-вилоят ҳудудлари ўртасида коммуникатив тармоқларни ривожлантиришга;

- вилоятнинг аҳолиси тиғиз яшайдиган ҳудудларида маҳаллий хом – ашёни қайта ишлашга ихтисослашган енгил саноат корхоналарини барпо этишга;

- вилоятда туризм соҳасини ривожлантиришга;

- ёқилғи-энергетика соҳасини ривожлантириш ва модернизация қилишга ва ҳоказо.

Ушбу йўналишларда ва мақсадларда инвестиция маблағларини сарфлаш режалаштирилган ишларни самарали амалга ошириш ҳамда қўшимча равишда янги иш ўринларини яратиш имконини беради.

Хулоса ва таклифлар

Магистрлик диссертацияси бўйича олиб борилган изланишлар ҳамда татқиқотлар натижасида ҳосил бўлган хулоса ва таклифларимизни қуйидагиларда баён этмоқчимиз.

1. Хорижий инвестицияларини жалб қилиш давлат сиёсатида муҳим вазифалардан бири эканлиги шубҳасиз. Мамлакат иқтисодиётига йўналтирилаётган хорижий инвестицияларни марказлашган ҳолда назорат қилиш ва улар киритилишини тезлаштириш мақсадида Давлат Инвестиция дастури ташкил этилган бўлиб, бу мазкур дастурга киритилган лойиҳаларни амалга ошириш натижасида иқтисодиётни юксалтиришда ҳал қилувчи вазифани бажармоқда.

2. Ҳар бир мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва салоҳияти унинг иқтисодий ҳамда ижтимоий ривожланиш даражаси билан белгиланади. Шунинг учун ҳам хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб қилишнинг оқилона йўллари танлаш Ўзбекистон учун энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолди. Ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш, республика иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилишни таъминлайдиган ҳуқуқий, ижтимоий — иқтисодий ва бошқа шарт — шароитларни такомиллаштириш, хорижий инвестицияларга нисбатан очиқ эшиклар сиёсатини изчиллик билан ўтказиш, маблағларни республиканинг иқтисодий мустақиллигини таъминловчи устувор йўналишларда мужассам қилиш республикамизда ўтказилаётган иқтисодий сиёсатнинг асосий тамойилларидандир.

3. Ҳар қандай иқтисодий тизимнинг тараққиёт даражаси ва барқарор иқтисодий ўсишга эришишида хорижий инвестициялар муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Бу ўз навбатида, мамлакатимиз миллий иқтисодиётига хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун биринчи галда, улар учун қулай муҳит, кафолат ва рағбатлантирувчи иқтисодий омилларни кучайтиришни тақозо этади.

4. Давлат асосий эътиборини иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини

модернизациялаш ва технологик жиҳатдан янгилашга, рақобатга бардошли маҳсулот тайёрлашга йўналтирилган янги, замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишга қаратган. Шу боисдан ҳам импорт қилинаётган маҳсулотлар орасида машиналар, турли дастгоҳ ва ускуналар кўп. Айтиш пайтда ушбу йўл халқаро аҳамиятга эга бўлган, Трансафғон деб ном олган лойиҳани амалга ошириш орқали мамлакатимизнинг жанубдаги жаҳон денгиз коммуникацияларига чиқишини таъминлайдиган янги транспорт йўлаги бўлиб хизмат қилиши кўзда тутилмоқда.

5. Иқтисодиётда изчиллик билан амалга оширилаётган тузилмавий ўзгаришлар ва модернизациялаш жараёни инвестицион фаолликни таъминлади. Инвестициялаш муҳитида яратилган шарт — шароитлар иқтисодий ривожланишга ўз ижобий таъсирини кўрсатди.

6. Давлат минтақавий инвестиция сиёсатининг ишлаб чиқарилган модели ҳудудда ўтказилаётган бозор ислохотларининг минтақавий хусусиятлари ва ўзига хосликларини ҳисобга олиш заруриятидан келиб чиқади. Ўзбекистон Республикаси учун таклиф этилаётган инвестиция стратегиясининг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардир: инвестиция жараёнида давлатнинг бошқарувчилик мавқеи сақлаб қолиниши; бозор тамойилларига ва инвестиция заҳираларини шакллантириш манбаларининг кўплигига асосланганлик; эркин маблағларни ишлаб чиқариш инвестицияларига айлантириш учун фонд бозори имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш; мамлакатнинг ички жамғармалари ҳисобига кенг қўлланли инвестиция қилиш ва хорижий инвестициялари ҳисобига аниқ — селектив тарзда инвестиция қилиш.

7. Вилоятнинг узоқ муддатли инвестиция стратегияси амалга оширилиши миллий ва хорижий капиталлари иқтисодиётнинг реал секторига эркин ўтказилишини таъминлашга қодир бўлган тўлақонли фонд бозори ташкил қилишни ва унинг ишлашини талаб этади. Фонд бозорининг самарали ишлашини таъминлаш учун қуйидаги йўналишлар энг муҳимдир: корпоратив қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш; қимматли

коғозлар бозорининг янги — муниципал, гаровли, ипотекали ва бошқа секторларини яратиш; ихтисослашган инвестиция институтлари шаҳобчасини шакллантириш.

8. Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов шу йилнинг январ ойида Олий Мажлиснинг қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси йиғилишида жаҳон бозорида рўй бераётган ўзгаришлар, кучли талаб ва рақобат иқтисодиётни янада эркинлаштириш ва бозор ислохотларини чуқурлаштиришни объектив шарт қилиб қўяётганлигини таъкидлаб, бу йўналишларда 2012 йилда ва келгуси даврларда ҳал этилиши лозим бўлган энг муҳим устувор вазифаларни белгилаб берган эди. Шу нуқтаи назардан мазмун — моҳияти ва амалий аҳамияти Ўзбекистон минтақалари иқтисодиётини ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб ривожлантириш учун вилоятдаги корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилиш, ортиқча ишчи кучи мавжуд бўлган вилоят ҳудудларида янги иш жойларини яратиш дастурларини амалга оширишга ҳамда хорижий инвесторлар учун ишончли ҳуқуқий ҳимоя ва кафолатларни таъминлаш мақсадларига қаратилган чора тадбирлар ишлаб чиқиш зарур.

9. Инвестиция стратегиясини амалга ошириш бўйича ишлаб чиқилган механизм қуйидагиларни кўзда тутди: давлатнинг инвестиция жараёнидаги иштироки шакллари ва бошқаруви миллий ва хорижий хусусий капиталлари инвестицион фаоллигини рағбатлантиришни кучайтириш; амортизация сиёсатини такомиллаштириш; аҳолининг банкка пул қўйишга ва инвестицион институтларга ишончини ошириш; ишлаб чиқаришга маблағларни узоқ вақтга қўйиш учун рағбатлантирувчи шароитларни яратиш; хусусий капиталлар ва аҳоли жамғармаларини суғурталаш тизимини шакллантириш.

10. Ўзбекистон инвестицион рейтингининг миқдорий баҳоланиши инвестиция қўйилмалари даромадлилигини оширишни ва дисконтнинг оширилган ставкасини белгилашни талаб қиладиган таваккал омиллар

мавжудлигини кўрсатди. Бинобарин, умумиктисодий таваккал ва ҳисоб — таҳлилий фоиз ставкаси коэффицентининг аниқланиши энг самарали ва ишончли инвестиция қарорларини танлашдаги асосий шартдир. Хорижий инвестицияларни жалб этиш борасида истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш нафақат республика бозорини сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришга балки жаҳон бозорига экспорт қилинаётган маҳсулотлар ҳажмини ҳам оширишга имкон беради.

Фикримизча, мамлакатимизга хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасида қуйидагиларни амалга ошириш керак: хорижий кредитлар ва кўпроқ бевосита хорижий инвестицияларни жалб қилишни кенгайтириш учун хорижий инвесторлар ҳуқуқуларини ва эркинликларини таъминлашни такомиллаштириш ҳамда мамлакатда пул — кредит сиёсати бўйича амалга оширилаётган ишларни самарали тарзда яқунлаш; тижорат банклари томонидан хўжалик юритувчи субъектларни кредитлашни ривожлантириш учун ушбу соҳага хизмат қилувчи институтчионал бирликларни ҳамда инфратузилма институтлари фаолиятини кенгайтириш ва ривожлантириш; инвестиция лойиҳаларини хорижий банклар кредит линиялари орқали молиялаштириш мақсадида улар билан кўп томонлама ҳамкорликни йўлга қўйиш, уларда Ўзбекистонга бўлган қизиқиш ва ишончни янада ошириш; хорижий банклар кредит линияларини тўлиқ ва самарали ўзлаштириш, улар бўйича вужудга келиши мумкин бўлган хавф — хатарларнинг олдини олиш ва камайтириш, кредит самарадорлигини оширишни таъминлаш учун ушбу банклар кредит линиялари томонидан инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришнинг мавжуд дастакларини такомиллаштириш; инвестиция лойиҳаларини бюджетдан ташқари фондлар маблағлари ҳисобига молиялаштиришни ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш мақсадида республикада фаолият юритаётган бюджетдан ташқари фондларнинг молиявий — иқтисодий ривожланиши учун шарт — шароит яратиш.

Юқоридагилардан шундай хулосага келиш мумкинки, миллий

иқтисодиётимизни ривожлантириш учун мамлакатимиз ҳукумати томонидан барча шарт — шароитлар имкон қадар тез ва сифатли тарзда яратилмоқда фақатгина биз бундан самарали ҳамда мақсадли фойдаланишимиз зарур бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, ҳуқуқий ва сиёсий ҳужжатлар.

1.Ю.Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонуни, 2008 йил.

2.П.Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги» Қонуни, 2009 йил.

3.Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси солиқ кодексининг 256-моддасига ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисидаги» Қонуни, 2009 йил.

4.И.Ўзбекистон Республикасининг «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва Қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонуни, 2009 йил.

5.Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хорижий инвестицияларни ахборот билан таъминлаш ва кўмаклашиш агентлиги — «Ўзинфоинвест»ни ташкил этиш тўғрисида»ги

06.02.2007 й. ПҚ-578-сонли Қарори.

6.Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2007 — 2010 йилларда хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш ва хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 20.07.2007 й. ПҚ-672-сонли Қарори.

7.Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этиш ҳамда ўзлаштириш жараёнини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 24.07.2008 й. ПҚ-927-сонли Қарори.

8.Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари молиявий барқарорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида»ги 18.11.2008 й. ПФ-4053-сонли Фармони.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг Қарори. 2008 йилда Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисида. 2009 йил 13 февраль.

10. Ўзбекистон Ресиубликаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 23 апрелдаги 120-сон Қарорига 2-илова «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида алоҳида солиқ режимини таъминлаш тартиби тўғрисида Низом».

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида алоҳида божхона режими ҳамда алоҳида солиқ режимини таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги 23.04.2009 й. 120-сонли Қарори.

12. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 9 апрелдаги 105-сон қарорига 2-илова «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси-да жойлаштириш учун инвесторларни танлаш тартиби тўғрисида Низом».

13. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 10 мартдаги 61-сон Қарорига илова «Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан инвестиция лойиҳаларини биргаликда молиялаштириш учун тижорат банкларига кредит линияларини очиш тартиби тўғрисида Низом».

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайти-ришни рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 28.07.2009 й. ПҚ-1166-сонли Қарори.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2010 йилдаги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрлари прогнози тўғрисида»ги 12.12.2009 й. ПҚ-1245-сонли Қарори.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги Инвестиция дастури тўғрисида»ги 28.10.2009 й. ПҚ-1213-сонли Қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Иқтисодийнинг реал сектори акциядорлик жамиятларининг молиявий барқарорлигини янада оширишни таъминлашга доир қўшим-ча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 17.12.2009 й. 316-сонли Қдрори.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2010 йилда Ўзбекистон Республикасига ҳақаро молиявий ва иқтисодий институтлар, донор мамлакатларнинг беғараз техник кўмагини (грантларини) жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 9 мартдаги 40-сон Қарори

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

19. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари // – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

20. Каримов И.А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш - барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. -Т.: «Ўзбекистон», 2008. - 64 б.

21. Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. - Т.: «Маънавият», 2008. — 176 б.

22. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. — Т.: «Ўзбекистон», 2009.

23. Каримов И.А. Асосий вазифамиз - ватанамиз тараққиёти ва ҳалқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. — Т.: «Ўзбекистон», 2010. -80 б

III. Китоблар ва рисоалар.

24. Ислом Каримов. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Т.: Ўзбекистон, 2012 й., 11-бет.

25. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011. – 13-б.

26. Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки: Чет эл инвестициялари диққат марказида. «Банк ахборотномаси» газетаси, 2008 йил 28 апрел, 19-20-сон, 15-бет.

27. Каримов И.А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш - барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. -Т.: «Ўзбекистон», 2008. - 64 б.

28. Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. - Т.: «Маънавият», 2008. — 176 б.

Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. – Т.: “Молия” нашриёти, 2009 йил. 32-бет.

29. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. — Т.: «Ўзбекистон», 2009.

30. Каримов И.А. Асосий вазифамиз - ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. — Т.: «Ўзбекистон», 2010. -80 б

31. 7.Абдуллаев Р., Асташев А. **ЕБРР** расширяет финансирование частного сектора в Узбекистане. //БВВ, №102 (1211). 24.12.2009.

32. АБР и Узбекистан готовиться к утверждению новых проектов. //БВВ, №21 (1234), 23.03.2010.

33. Обзор сектора лизинговых услуг в Узбекистане. По итогам 2008 года. Международная Финансовая Корпорация, Ассоциация лизингодателей Узбекистана, Рейтинговое Агентство Рпте КаИпе. - Т.: 2009.

34. Международный валютный фонд. Годовой отчет 2009. Преодоление

глобального кризиса. Вашингтон, 2010.

35.ШСТАО. УогШ “пуез”тепг КероП 2009: Тгаплпа тюпан Согрогаиоп, АепсиИ;ига1 Ргодисгюп апд Оеуе1ортеп1. Уогк апс! Сепеуа, 2009.

36.«Тъе Есопопис Сопгльипоп ог гпе Ефиртеш

37.Ўзбекистоннинг йиллик статистик тўплами 2008. — Т.: «АЧиг роИгаҒ» МЧЖ, 2009.

IV. Рўзнома ва журналлардаги мақолалар

38. Хусниддин Мадумаров “Микрокредит банк” “ОАТБ,”” Банкнинг инвестициявий фаолиятини мувофиқлаштириш ва ташқи иқтисодий алоқалар” департаменти бўлими бошлиғи Пул кредит жур 05 2010 25-27бет.

39.Эргашев И. Хизмат кўрсатиш соҳасида инвестицион жозибадорликни оширишнинг иқтисодий аҳамияти ва омиллари. Иқтисодиёт ва таълим. 2011 йил, 2-сон, 122 б.

40.Фаттохова Ж. “Ўзбекистон молия бозорининг ҳозирги аҳволи”. «Бозор, пул ва кредит» журнали, 2008 1-сон. 17-бет.

41.Президент Ислом Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси 21.01.2011 23:11

42. Президент И.А.Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи 2011 йил 22 январ

43.“Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби”. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.

44. “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фукаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир”. – Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь.

45. “Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир”. – Президент Ислон Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 30 январь.

46. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фукаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза), “Халқ сўзи”, 2010 йил 13 ноябрь (№ 220).

VI. Интернет сайтлари

1. www.google.ru.
2. www.reviem.uz
3. www.cer.uz
4. www.obo.ru. www.Ziyo.net
5. [www. Management.ru](http://www.Management.ru)
6. [www. MBA.ru](http://www.MBA.ru)
7. www.usue.ru.-Уральский государственный экономический университет
8. www.ice.spb.ru.- Санкт-Петербургский торгово-экономический институт.

	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2008 йил	2009 йил	2010 йил
	Вилоятнинг ташкил топган вақти	1943 йил			
1.1	Вилоятнинг умумий майдони (ер майдони)	кв км.	28,6	28,6	28,6
	шу жумладан	га	2856799	2856799	2856799
	Вилоятнинг умумий чегара узунлиги	км	893,89	893,89	893,89
	Тожикистон республикаси билан Шахрисбз тумани томонидан Шарқдан	км	18,5	18,5	18,5
	Тожикистон республикаси билан Китоб тумани томонидан Шарқдан	км	41,47	41,47	41,47
	Туркменистон билан				
	Жанубий-ғарб томонидан Деҳқонобод тумани	км	75,9	75,9	75,9
	Жанубий-ғарб томонидан Ғузор тумани билан	км	22,2	22,2	22,2
	Жанубий-ғарб томонидан Нишон тумани билан	км	75,74	75,74	75,74
	Жанубий-ғарб томонидан Миришкор тумани билан	км	79,48	79,48	79,48
	Қўшни вилоятлар билан:				
	Шимолдан Самарқанд вилояти билан	км	276,0	276,0	276,0
	Жанибий-шарқдан Сурхандарё вилояти билан	км	193,8	193,8	193,8
	Шимолий-ғарбдан Бухоро вилояти билан	км	98,3	98,3	98,3
	Шимолдан Навоий вилояти билан	км	12,5	12,5	12,5
1.2	Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар	га	2194992	2195803	2195598
	Тоғли ерлар	га	88564	88564	88564
	Чўлли ҳудудлар	га	3745	3745	3745
	Адирлар	га	23374	23374	23374
	Тақир ерлар	га	-	-	-
	Яйловлар	га	1458103	1457245	1457223
	Бошқа ерлар	га	-	-	-

Хорижий сармоя иштирокидаги корхоналарнинг асосий кўрсаткичлари

	Ташки савдо айланмаси, минг АҚШ. долл.	2010 й. январ- декабрига нисбатан фоизда	Экспорт, минг.АҚШ. долл.	2010 й. январ- декабрига нисба тан фоизда	Импорт, минг АҚШ. долл.	2010 й. январ- декабрига нисбатан фоизда	Хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар			
							Рўйхатга олинганла р сони, бирлик	шу жумладан, фаолият кўрсатаёт- ганлари, бирлик	экспорт хажми, минг АҚШ. долл.	ҳисобот даврида ташқил этилди, бирлик
Жами	579458,8	114,9	462268,2	129,9	117190,6	78,8	57	45	51450,9	5
шаҳарлар:										
Қарши	72347,6	125,8	55849,9	1,7 м	16497,7	64,3	25	21	49504,4	-
туманлар:										
Ўзур	83502,2	100,8	64772,4	99,6	18729,8	105,1	2	1	-	-
Дехқонобод	59348,7	1,8 м	47717,3	6,0 м	11631,4	47,9	1	0	-	-
Қамаши	31885,1	139,0	30361,9	134,0	1523,2	5,3 м	2	1	-	-
Қарши	32817,1	146,9	30550,2	147,1	2266,9	144,7	5	5	101,5	1
Косон	53435,3	117,8	48883,8	115,3	4551,5	153,4	1	1	-	1
Китоб	4265,3	5,7	851,0	9,5 м	3414,3	5,2 м	6	5	10,7	2
Миришкор	32924,1	106,7	32924,1	107,3	-	-	1	1	-	-
Муборак	73604,1	3,2 м	23184,6	1,9 м	50419,5	4,6 м	1	1	-	-
Нишон	33189,6	77,9	31360,8	86,3	1828,8	29,1	-	-	-	-
Касби	43807,9	129,6	43796,0	129,6	11,9	19,8 м	2	1	-	-
Чироқчи	15440,3	95,3	14173,1	91,8	1267,2	165,1	2	2	-	-
Шахрисабз	24323,0	98	20796,3	97,9	3526,7	98,9	6	4	-	1
Яккабоғ	17137,6	107,0	16698,4	106,4	439,2	136,4	3	2	1834,3	-

2011 йил январ-декабрида Қашқадарё вилояти ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари

	Саноат маҳсулоти		Истеъмол товарлари		Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти		Асосий капиталга киритилган инвестициялар		Қурилиш ишлари	
	млрд.сўм	2010 й. январ-декабрига нисбатан фоизда	млрд.сўм	2010 й. январ-декабрига нисбатан фоизда	млрд.сўм	2010 й. январ-декабрига нисбатан фоизда	млрд.сўм	2010 й. январ-декабрига нисбатан фоизда	млрд.сўм	2010 й. январ-декабрига нисбатан фоизда
Жами	4307,6	105,2	445,4	120,6	1587,0	102,5	1914,9	104,9	810,1	108,8
шаҳарлар:										
Қарши	388,4	115,6	195,9	122,6	13,6	112,4	183,3	91,7	229,8	100,2
туманлар:										
Ғузор	1453,6	99,5	4,5	124,5	100,4	100,4	244,6	108,6	63,1	66,5
Дехқонобод	99,3	3,1м	2,3	119,4	61,7	100,6	60,2	43,0	26,9	146,9
Қамаши	58,0	119,6	9,8	123,7	139,4	101,5	33,4	133,4	33,2	130,8
Қарши	62,3	113,6	7,6	123,6	128,9	106,9	93,2	171,3	70,8	131,4
Косон	113,5	111,4	55,9	117,2	155,6	97,6	57,9	109,4	50,6	88,8
Китоб	31,2	141,9	14,3	121,0	126,4	107,1	39,8	120,9	45,9	136,6
Миришкор	48,9	105,0	4,4	119,0	116,4	98,8	42,5	13,7	24,9	149,5
Муборак	1752,8	102,2	5,5	115,4	69,9	101,9	893,1	174,6	54,5	104,6
Нишон	46,1	101,5	4,4	148,7	111,5	102,5	93,2	92,2	30,7	132,0
Касби	52,8	105,7	3,0	119,9	131,7	100,7	30,7	111,1	35,1	151,2
Чироқчи	34,8	117,2	16,6	119,0	167,2	97,1	35,7	117,2	36,2	133,3
Шаҳрисабз	126,6	105,2	99,9	115,9	133,2	119,7	55,9	84,1	63,1	115,2
Яккабоғ	39,3	111,1	21,3	131,0	131,1	101,8	51,4	107,6	45,3	125,3

**Қашқадарё вилоят бўйича 2007-2009 йилларда кичик бизнес субъектларининг асосий кўрсаткичлари
тўғрисида маълумот**

- автомобил транспорт юк ташишдаги улуши	%	10,8	15,9	16,1	64,5
Асосий кўрсаткичлар	Ўлчов	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил
автомобил транспорт йуловчи ташишдаги улуши	бирлиги%	7,0	4,4	4,6	92,2
Кичик бизнеснинг ЯИМдаги улуши	%	49,9	60,9	63,5	47,3
Кичик бизнес корхоналари сони	%	740,24	748,65	806,12	734,46
- экспортдаги улуши <i>Ўсиш суръати ўтган йилга нисбатан</i>	%	106,4	101,2	106,9	91,9
Кичик бизнес корхоналарига ажратилган кредитлар	млрд сўм	43,9	75,9	114,7	114,6
<i>Ўсиш суръати ўтган йилга нисбатан</i>	%	185,3	172,9	151,1	99,9
Тадбиркорлик субъектларининг:					
- саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши	%	11,2	15,5	19,2	24,8
- қурилиш ишлари бажарилишидаги улуши	%	25,2	32,9	56,9	69,2

Иктисодиёт тармоклари бўйича асосий капиталга хорижий инвестициялар таркиби %

	2010	2011			
Жами	100	100			
Ишлаб чиқариш	88,1	100			
Саноат	53,8	92,8			
Кишлоқ хўжалиги	0,03	1,05			
Қурилиш					
Транспорт ва алоқа	28,2				
Савдо ва умумий овқатланиш					
Бошқа соҳалар	18	6,15			
Ноишлаб чиқариш	11,9				